Туманнинг янги маркази

Навоий вилояти меҳнаткашлари мамлакатимиз мустақиллигининг 8 йиллигини барча жабҳаларда бунёдкорлик ва яратувчилик ишлари билан муносиб кутиб олишмоқда.

Буюк Ипак йўлида жойлашган «Работи-Малик» қўрғони атрофларини обод гўшаларга айлантиришга катта эътибор қаратилган. Навоийликлар катта шодиёна арафасида яна бир улуғ ишга қўл уришди — Навоий тумани маркази — янги шаҳарга пойдевор қўйилади. У «Исломобод» деб аталади. Шу муносабат билан Навоий вилоятида туман ҳокимлари, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққанлар бўлажак шаҳар бунёдкорлик намуналарини намоён этишга хизмат қилишини таъкидлашди.

«Исломобод» шаҳрини бунёд этиш юзасидан архитектура ва қурилиш лойиҳалари бошлаб юборилган.

Ўткир ПЎЛАТОВ

Болалар адабиёти ҳафталиги

Мустақиллигимизнинг 8 йиллигига бағишланган ўзбек болалар адабиёти ҳафталиги доирасида китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Унда республикамиздаги 8 та нашриёт томонидан чоп этилган кўплаб болалар адабиёти намойиш қилинди.

Бу тадбир Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

— Шу йилнинг охиригача яна 38 турдаги китоб босмадан чиқиши режалаштирилган, — деди Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб қувватлаш жамғармасининг раиси Хуршид Дўстмуҳаммад «Туркистон–пресс» мухбирига берган интервьюсида. — Болалар адабиёти ҳафталигини ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад ҳам эстетик ва бадиий жиҳатдан мукаммал, лотин алифбосида нашр этилаётган ана шу китобларни кенг оммага яқиндан таништиришдир.

«Туркистон–пресс»

Барча шароит муҳайё

Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитаси ташкил этган ҳудудлараро «Ўқув маркази» да бошланғич тайёргарлик, малака ошириш, қайта тайёргарлик курсларида тингловчиларни, яъни солиқ тизимига янги ишга қабул қилинган, шунингдек солиқ идораларида ишлаётган ходимларни ўқитиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ҳамма қулайликларга эга бўлган замонавий бино, шунингдек махсус синфхоналар, аудиториялар, кутубхона, замонавий ахборот-таъминот компьютер технологиялари, шинам ётоқхона тингловчилар учун яратиб берилган имкониятлардан биридир.

Тингловчиларга дарс ўтиш жараёнлари қизиқарли ва мазмунли бўлишида «Ўқув маркази» ўқитувчилари ҳамда Ўзбекистон Давлат солиқ қўмитасининг бир гуруҳ малакали ходимлари жонкуярлик қилмоқдалар.

Шоназар АНИЯЗОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 12 август, пайшанба • № 93 (24.488).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Аждодлар хотираси муқаддас

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мустамлакачилик даврида юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи-покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида қатағон қурбонларини ўрганиш учун жамоатчилик комиссияси тузилган эди.

Шу муносабат билан жамоатчилик комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг бу борадаги Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Н.Жўраев олиб борди.

Мажлисда «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди ва унинг устави тасдиқланди. Жамғарма раҳбар органлари ва раёсат аъзолари сайланди. Жамғарма раиси этиб адабиётшунос олим Н.Каримов сайланди.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

Фестивалга ҳозирлик қизғин

Самарқандда бўлиб ўтадиган «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивали очиладиган кун тобора яқинлашмоқда.Шу муносабат билан анжуман бўлиб ўтадиган Регистон майдонини безаш, театрлашган томошани мукаммал ҳолга келтириш, томошабинлар ва фестиваль меҳмонларини қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатишни намунали ташкил этиш бўйича ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Фестивалга қирқдан зиёд давлат, халқаро ташкилотлардан вакиллар, жамоат арбоблари, мутахассислар, санъаткорлар, меҳмонлар келиши кутилаётир.Анжуманнинг «Бу ажиб дунё» деб номланган мусиқий-театрлашган томошаларини олтмишдан ортиқ мамлакат телевидениеси орқали намойиш этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, «Шарқ тароналари» иккинчи халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Ҳ.Кароматов, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар раҳбарлари Самарқандда бўлди.Улар фестивалга янада пухта ҳозирлик кўриш, уни юқори савияда уюшқоқлик билан ўтказиш, бу борадаги барча тайёргарлик ишларини маромига етказиш масалаларини муҳокама этдилар.

Тадбирда вилоят ҳокими Э.Рўзиев қатнашди.

Ҳ. ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири

Мустақиллик манзаралари

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Эзгулик йўлида

Куни кеча Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти Миллий Кенгаши журналистлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун Женева Конвенцияларининг 50 йиллигига бағишлаб матбуот конференциясини ўтказди. 1949 йилдаги тўртта Женева Конвенцияларининг имзоланиши муҳим тарихий воқеага айланганди. Бу 4 та Женева Конвенцияларининг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

— агар ярадор ва бемор кишилар, ҳатто рақиб ҳукмронлигида бўлганда ҳам уларга зарурий тиббий ёрдам кўрсатилиши керак: тиббиёт ходимлари ҳимоя қилинадилар;

— ҳарбий асирлар яшаш ва инсонпарварлик ҳуқуқига, уларнинг қадр-қимматларини, шахсий ҳуқуқларини ва эътиқодларини ҳурмат қилиш ҳуқуқига эгадир ва ҳарбий ҳаракатлар тугатилиши билан озод қилинишлари керак;

— урушувчи томонлар уруш олиб бориш воситалари ва усулларини танлашда чекланган бўлишлари керак ва аҳоли билан уруш ҳаракатлари иштирокчиларини, фуқаро ва ҳарбий объектларни ажратишга мажбур;

— ҳарбий бўлмаган объектлар ва фуқаролар ҳужум остида бўлмаслиги лозим, ҳар қандай вазиятда ҳам улар ҳимоя ва инсонпарварлик муносабати ҳуқуқига эгалар.

1949 йилдаги Женева Конвенциялари Халқаро Инсонпарварлик Ҳуқуқи (ХИҲ)нинг асосий ҳужжатлари ҳисобланади.

ХИҲнинг асосчиси ва қўриқловчи Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси (ХҚХҚ) дир. 188 та мамлакатнинг ҳукуматлари томонидан ХҚХҚга шундай ваколат берилганки, унга кўра у «ХИҲнинг қоидаларига аниқ риоя қилишга ёрдам берувчи» фаолиятини амалга оширади. ХҚХҚ амалда ХИҲнинг қўлланишини ўз делегатлари ёрдамида назорат қилади ва лозим бўлганда қуролли низоларда қатнашувчи томонлар унинг қоидаларига риоя қилишларига эришиш мақсадида ҳаракатлар қилади.

Халқаро Қизил Хоч Қўмитасининг Марказий Осиёдаги Минтақавий ваколатхонаси, Ўзбекистон ҚЯОЖ ва республика жамиятшунос-олимларининг биргаликдаги фаолияти натижасида «Инсон ва жамият» курси бўйича ўрта мактаблар учун дарсликка қўшимча ўқув қўлланмаси тайёрланди.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Бу дунёнинг ишлари

Сайлов куни ўзгариши мумкин

Россия Федерацияси марказий сайлов комиссиясининг раиси Александр Вешняков Давлат Думаси депутатларини сайлаш муддати ўзгартирилиши мумкин, деди. Маълумки, сайловлар 19 декабрга мўлжалланган. Агар Давлат Думаси Россия Президенти Борис Ельцин томонидан таклиф этилган Бош вазир лавозимига номзод Владимир Путинни қўллаб-қувватламайдиган бўлса, шундай ҳол юз бериши мумкин. А. Вешняковнинг сўзларига қараганда, Президент томонидан таклиф этилган номзод уч марта қўллаб-қувватланмаса, Конституцияга биноан Давлат Думаси тарқатиб юборилади. Палатанинг янги таркиби эса Дума тарқатиб юборилгач, тўрт ойдан сўнггина тўпланиши мумкин. Агар депутатлар В. Путинга қарши уч марта овоз беришса, у ҳолда 30 декабрь куни Давлат Думасининг янги таркибини тўплашнинг иложи бўлмайди. 30 август куни эса бўлажак вазирни тасдиқлаш учун овоз бериш маросими бўлади. А. Вешняков ишонч билдиришича, Давлат Думаси В. Путинни ҳукумат раиси этиб сайлайди.

(Интерфакс)

Покистон самолёти уриб туширилди

Ҳиндистон ҳарбийлари Покистон ҳарбий-денгиз кучлари самолётини уриб туширишди. Покистон раҳбарларининг хабарига кўра, самолёт бортидаги 16 киши ҳалок бўлган. Ҳиндистон раҳбарларининг баёнотига кўра, самолёт Ҳиндистоннинг осмон чегараларини бузиб ўтган. У авиабазага қўнишдан бош тортганлиги учун Гужарат штати осмонида уриб туширилган. Бироқ, Покистон ахборот вазири Мушоҳид Ҳусайннинг айтишига кўра, самолёт Покистон ҳудудида навбатдаги учишни амалга оширган эмиш.У Ҳиндистонни босқинчиликда айблади ва мудофаа ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқини ўзимизда сақлаб турибмиз, деди. Би-би-си мухбирининг Деҳлидан хабар қилишига кўра, ҳиндистонлик сиёсатчилар Покистон ҳарбийлари вазиятни мураккаблаштиришга интилиб, Кашмир можаросини тинч йўл билан ҳал этишга қарши чиқишмоқда, деб баёнот берганларидан сўнг юқоридаги воқеа юз берди. Шу боис ҳам икки мамлакат уруш хавфи остида қолди.

(Би-би-си).

Таклифга рози бўлди

Фаластин раҳбари Ёсир Арафот Исроил Бош вазири Ёҳуд Баракнинг Исроил қўшинларини шу йилнинг 1 сентябрида Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги 11 фоиз ердан олиб чиқиб кетиш бошлаб юборилиши ҳақидаги таклифини маъқуллади. Лекин Фаластин мухториятининг статуси масаласи ҳақидаги Баракнинг таклифига Арафот рози бўладими-йўқми, бу ҳозирча номаълум.

(«Озодлик» радиоси)

Огоҳликка даъват

Чағириқ

Мардонасига тан оладиган бўлсак, Президентимизнинг ички ва ташқи таҳдидлар борасидаги бот-бот огоҳлантиришларини ҳам, ҳушёрликка даъват этиб айтган сўзларини ҳам шу чоққача кўпчилигимиз анчайин бир сиёсий маҳобат, ҳа, боринги, давлат раҳбарининг одатдаги бурчи, вазифаси деб билганимиз рост.

Бир қарашда хотиржамликка асос бор эди. Юрт тинч-осойишта бўлса, жамият муқаррар мураккабликларни ортда қолдириб дадил илгарилаётган бўлса, чет эллардан садақага келган аллақандай ислиқи рисолаларни қўлтиқлаган беш-ўнта чаламулланинг қўлидан нима ҳам иш келарди? Шулар билан пачакилашиб, ҳадеб улардан олабўжи ясамоққа ҳожат бормикан?..

Авомни-ку қўятурайлик, биз каби ўзини зиёли чоғлаб юрганлар ҳам тахминан ана шундай фикрда эди. Аммо бизнинг билганимиз бошқа, юрт эгасининг билгани бир бошқа экан. Балки шунинг учундир, айни қиёмат чоғи ҳам (ўша вазиятни ифода этмоққа бошқа сўз ожизлик қилар) у зот ўзини йўқотиб қўймади, эл-юртни-да шунга даъват қилди.

Ҳар қандай балою офат ногаҳонийлиги билан одамзодни доғда қолдиради. Айниқса, ўша бало ўзингиздан чиқса! Айниқса, унинг мана шу тупроқда униб-ўсган пешвою гумашталари кўнглига шайтоний васваса тузоқ қўйган бўлса! Бундайин вазиятда осмон йироқ — ер қаттиқ. Бирдан бир чораси — мард бўлиб ўша балони бартараф этмоқ!

Лекин февраль фожиалари ногаҳониймиди? Дарё ўз-ўзидан тошмас. Тоғлар ўз-ўзидан қуламас. Табиий мувозанат бузилгандагина нимадир туртки бўладию, бу каби ҳодисалар рўй беради.

Мукаммалликка даъвогар ҳар қандай жамият ҳаёти ҳам силлиқ кечмаслиги, унда турли ижтимоий ларзалар, пўртаналар содир бўлиб туриши маълум. Манаман деган мамлакатларни олинг, у ерларда бундай нохушликлар ойда бўлмаса ҳам йилида юз бериши муқаррар. Ва ажабки, бу ҳолга ҳамма кўниккан. Унга қарши мунтазам чора-тадбирлар кўриб борилса-да, мавжуд ҳокимиятнинг бир лаҳза ҳам тиним билмайдиган ғаними — мухолифати борлиги, у пайдарпай ҳунарлар кўрсатиб туриши ҳеч вақт назардан соқит қилинмайди. Конституция доирасидаги олишувларга эса мутлақо табиий бир ҳолат деб қараш расм бўлган.

Биз кўникмаганмиз, кўникмаймиз ҳам. Негаки, бизнинг энг катта, ардоқлаб келган бойлигимизга — осойишталигимизга чанг солинди. Чанг солганда ҳам номардлик билан, «оёқдан олиш» усулини ишлатиб ҳамла қилинди. Биз бунга ўрганмаганмиз, ўргана олмаймиз ҳам. Эрк, мустақиллик бизга қимматга тушган, у биз учун жондек муқаддас!

Маҳкама жараёнида айбланувчилардан бири порт-латилиши мўлжалланган манэилларни санайтуриб, охирида «Афсуски, амалга ошмади» деган иборани ишлатди. Бу гапни у билиб айтдими ёки беихтиёр оғзидан чиқиб кетдими — бир нарса дейиш қийин. Лекин ҳали ёшгина, бийрон бу йигитнинг совуққонлиги, овозидаги бешафқат хотиржамлик мени ларзага солди.

Хўш, мақсадлари амалга ошганида нима бўларди? Мақсадлари нима эди ўзи? Гулдек пойтахтимиздаги кўзга кўринган маъмурий биноларнинг кулини кўкка совуриб, томоша қилишми? Эл бошида турган зотларнинг жонига зомин бўлиб, қонга тўйишми? Ундан кейин-чи? Шундай ваҳшиёна йўл билан ҳокимиятга эгалик қилишмиди уларнинг мақсадлари? Қандай ҳокимиятга? Қотиллар тўдасидан иборат хунхўр, зўравон ҳокимиятни ким, қайси халқ қай замонда тан олибди?! Эл қарғишига сазовор, дунё эътироф этмайдиган бундай ғирром, осмондан бало бўлиб тушган ҳокимият кимнинг устидан, қандай ҳукм юргизади?

Демак, мақсад тайин эмас эди. Аниқроғи, ёвузликдан, разолатдан кўзланган мақсад — жаҳолатдан ўзга нарса эмас эди.

Ҳокимиятни эгаллагач, ул боши бузуқлар сал ўтмай амал васвасасида турли айбловлар билан бир-бирининг бошини ғажимоғи муқаррар эди. Бош-ку ўзларининки, ўзлари есин, лекин неча-неча ўн йиллар истибдод кишанида бўғилиб, эндигина рўшнолик кўрган, ёруғ келажак умидида яшаётган элу юртда нима гуноҳ? Унинг ҳоли не кечарди? Айнан шуни баҳона қилиб, ҳув тарафда пайт пойлаб ётган аламзада «шимол айиқлари» мана, худо берди деб, «чекланган қўшини»ни олдига солиб «байналмилал ёрдам»га ошиқиб қолмасмиди?.. Ўшанда, турган гапки, ҳокимият тепасидаги «доҳий»лар ё тил топишиб кетар, ёки доллар тўла чамадонларини орқалаб, боз демократия қидириб чет элларга жуфтакни ростлаган бўлар эди. Яна ўша жабрдийда Ватан, яна ўша жафокаш халқ қоларди.

Шундай нобакор фарзандларга оқ сут берган халқ сийналарини бурда-бурда қилиб ташламасинми?! Шундай малъунларни бағрида ўстирган ватан қаро ерларга кириб кетмасинми?!

Бу совуқдан-совуқ тасаввурлардан ўзимизнинг ҳам этимиз жимирлаб кетаётир, лекин начора, шундай ҳам бўлиши мумкин эди-да! Алҳазар, алҳазар!

«Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмини кўриб баъзилар «Буларнинг ҳаммасини отиш керак, осиш керак!» демоқда. Бу ҳам жаҳолатнинг бир кўриниши эмасми? Кимни отиш, кимни осишни одил судлов ҳал қилар, аммо шу билангина муаммонинг ечими топила қолмас. Сизу биз бу ҳодисани келтириб чиқарган омиллар, уларнинг илдизлари, такрорланмаслик чоралари ҳақида кўпроқ бош қотирганимиз маъқул. Ахир, ўша отиладиган-осиладиганлар кимнинг фарзанди, кимнинг акаси, кимнинг укаси? Қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари бордир? Улар кимгадир ҳамшаҳар, кимгадир ҳамқишлоқ чиқар? Осмондан оёқ осилтириб тушмагандир? Ким бу кўйга солди уларни? Нима сабабдан? Сизу бизнинг ҳам яқинларимиз шу балога гирифтор бўлиши мумкинмиди? Ҳа, балли! Дорга сиртмоқ тортиш ёки тўппонча тепкисини босишдан аввал мана шуниси ҳам мулоҳаза этиб олинса зиён қилмас. Чунки жазо йўли билангина жамиятни тозалаш, соғломлаштиришга эришиш — хомхаёл. Бунинг шафқат қилиш, авф этиш каби усуллари ҳам борки, гоҳо кутилганидан зиёдроқ натижа беради. Давлатимиз раҳбарининг айнан шу амални қўллагани шоён таҳсинга лойиқдир. Душманни дўст қилиш, мухолифни тарафдорга айлантириш, адашганни йўлга солиш — азал-азалдан донолик аломати. Қолаверса, жаҳолатга қарши жаҳолат билан чиқиш ҳеч замонда наф келтирмаган — уни баттар авж олдирган, кучайтирган, холос.

Қонуннинг йўриғи бўлак. Унинг қаричи ўзиники. Бироқ жамият ҳаёти ҳар доим ҳам қонун қолипига сиғавермайди...

«Февраль воқеалари»ни кўриб таассуф билан билдимки, амирлик даъвоси билан чиққан ўша «шоввоз»лар орасида ўзимнинг ҳамюртим — сурхондарёлик йигит ҳам бор экан. Айтишларича, баобрў авлоднинг фарзанди эмиш. Нима ҳам дердингиз, осмон булутсиз, гуруч курмаксиз бўлмас. Руҳоний оилада вояга етган бу йигитни қандай бало қора

(Давоми 2-бетда)

Чиғириқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

йўлга бошлади? Нима жин уриб у она Ватанига, шу Ватаннинг бошида турган инсонга қўл кўтарган телба каллакесарлар тўдасига тушиб қолди? Бу қилмиши билан «Оллоҳга зиён етказаётгани»ни (ўзининг ибораси), қавм-қариндошлари, юртдошларини исноднга қолдираётганини, нақотки, ўша «исломий илм»га тўла» калласида бир ўйлаб кўрмади у?

Ўйлаб кўрган, бир эмас, ўн марталаб мулоҳаза қилиб кўрган. Аммо хом хаёлидаги «исломий жаннат», унда эгаллаяжак юксак "оятулло"лик рутбаси ва айни чоқда сазовор бўлиб тургани жарангдор "амир"лик мансаби кўзига жозибали кўринган. Муқаддас оятларга тўла зеҳни худонинг қаҳри билан жаҳолат ва қабоҳатга ўрин бўшатиб, таваккал йўл тутган. Мана, энди Оллоҳга етказган зиёнидан қон қақшаб тазарру қилмоқда.

У каби осий бандаларини Оллоҳ кечирармикан? Мунофиқлик ила номини ўртага қўйиб, бегуноҳ бандаларига жабр етказган, уларнинг хунига зомин бўлган юзиқораларни Оллоҳ даргоҳида қабул этармикан?

Кечаги кирдикорлар Оллоҳ йўлида эмас, турган-биттани ҳокимият илинжида қилинганига энди ҳеч кимда шубҳа йўқ. Эътиқод маъвосига кўнгилга таъма жойлаб кирилмайди. Акс ҳолда у тубан бир манфаатпарастликка айланиб қолади. Манфаат ҳукм сурган жойда эса эътиқод, хусусан, диний эътиқод борасида сафсата сотиш гуноҳгина эмас, ундан ҳам баттари — жиноят!

Хўш, эътиқодни байроқ қилган эканлар, «Февраль воқеалари» фильмида нега шунга собит турган бирорта одамни кўрмадик? Бор-йўғи ҳаётда муносиб ўрнини тополмай ҳар ёққа улоқиб юрган гумроҳлару калласига кирпи кириб қолган восвос садақапарастлар тўдаси, вассалом!

Тўғрисини айтганда, энди уларни ҳар хилга атаб лаънатламоқдан фойда йўқ. Бўлар иш бўлди, бўлмагани ҳам бўлди. Қонун ўз сўзини айтди. Энди бу фожиани совуққонлик билан таҳлил этиб, зарур хулосалар ясамоқ муҳим.

Шу ҳақда ўйлар экансиз, Президент Ислом Каримовнинг "иссиғида айтган" фикрларини жо этган «Ҳушёрликка даъват» рисоласига, иқтибос амалини суиистеъмол қилмоқдан ҳам тортинмай, қайта-қайта мурожаат этишингизга тўғри келади. Асл моҳиятга доир барча далил-исбот шу китобчада мавжуд. *«Бугунги ҳаёт шиддати, воқеалар ривожи шу қадар жўшқинки,* — дейди муаллиф, — *биз маънавият ва мафкура борасида қанчалик муҳим ва зарур ишларни амалга ошираётган бўлсак-да,* **баъзи ўринларда, афсуски, кеч қоляпмиз»**. Ҳақ гап, мардона гап! Мазкур соҳа билан бевосита шуғулланмоғи лозим бўлган ташкилотнинг мақом ва йўналиши ўзгартирилгани, таъсирчан ваколатлар билан кучайтирилиб, ҳукумат паноҳига берилгани — анчайин идоранинг номини янгиламоқ учун қилинган иш эмас. Бу — давлат бош ислоҳотчи бўлган замоннинг талаби, мавжуд вазият кун тартибига қўйган муҳимдан-муҳим тадбир. Чунки, *«мафкурамизнинг асосий мақсадларини халққа содда, ҳаққоний, тушунарли тарзда ифодалаб»* бермасак, карвон кетиб қолади — тағин кечикишимиз мумкин. *«Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, мафкуравий озиқнинг мезони ҳақиқат ва фақат ҳақиқат бўлиши зарур»*. Бугунги замонда сиёсий кўзбўямачилигу ширин-шакар сафсаталар йўли билан кўзланган манзилга етиш маҳол.

Ҳақиқатнинг кўзига тик боқиб сўзлайдиган бўлсак, кўп соҳаларда суиистеъмолчиликка йўл қўйганимиз аён бўлади. Аввало, иқтисодий эркинликлардан хийла талтайиб кетганимизни айтмоқ керак. Худбинлик, манфаатпарастлик кўчасига кириб, ҳамма нарсани пулга чақишга одатландик. Аҳвол шундай хатарли даражага етдики, мана, энди пулни кўрсатса, Ватаннинг ҳам юзига қарамайдиганлар пайдо бўлди орамизда.

Эътиқод эркинлигини бозорга солиш бундан-да шармандали тус олди.

Мустақиллик нашъасидан масрурликка, ундан бир қадар боқибеғамликка ўтиб кетиб, зарур сергакликни қўлдан бой берганимиз ҳам ҳақиқат. Яҳудий адиби Эфраим Севеланинг «Самолётни тўхтатинг, тушиб қоламан!» деган қиссасида ибратли бир ҳолат қаламга олинган. Тарихий ватани бўлмиш Исроилга борган асар қаҳрамони у ердаги манзарани кўриб саросимага тушади: дунёда «энг ақлли миллат» деб донг таратган тадбиркору уддабурон қондошлари ёппасига тепса-тебранмас, ношуду нотавон бир зотларга айланиб қолганмиш! Бу ҳолни муаллиф кўп асрлик сарсонгарчиликлар, сиғиндилик жафоларидан сўнгги — мурод ҳосил бўлгандаги сархушлик чарчоғи, беғам-хотиржамлик оқибати сифатида изоҳлайди.

Эҳтимол ўринсизроқ бу таққосим учун минг бора узр сўрамоққа розиман, аммо биз ҳам ана шундай бир ҳолатга тушиб қолмадикми деб кўрқаман. Бўлмаса, эркимиз қўлга кирганда, Ватан ўзимизники бўлиб, асрий орзу-армонларимиз ушалиб турган бир замонда бундай ношукрчилик, бу қадар нонкўрлик, номардликлар қаёқдан пайдо бўлди?!

Албатта, мамлакатимизда қайта ташкил этилган нуфузли, ваколатли тизим маънавият бобидаги шу сингари айнишларнинг олдини олади деб умид қилсак бўлади. Лекин маънавият — шу соҳанинг нонини ейдиган саноқли одамнинггина юмуши эмас. Жамиятимизда шундай муҳит юзага келиши керакки, маънавиятли бўлмоқ — манфаатли бўлсин, маънавияти бой одамнинг иши мудом олга боссин, кишининг эл-юрт олдидаги обрў-эътиборини, ҳаётий мавқеини унинг мансаб-мартабаси ёки мол-дунёси эмас, маънавиятининг даражаси белгиласин! Ана шундагина биз ҳар қандай истиқбол маррасини орзу қилсак арзийди, ярашади.

Бизнинг ана шу йўлдаги саъй-ҳаракатларимизга, изланишларимизга февраль кунларидан бирида зарба бермоқчи бўлдилар. Бу машъумот хусусида ҳали вақт ҳам ўз сўзларини айтар. Аммо ҳеч бир далил, ҳеч бир даъво билан у ёвузликни, у шармандаликни оқлаб бўлмаслиги ҳозирданоқ кундек равшан. Ватанфурушлар ўз қилмишлари билан ўз номларига тавқилаънат тамғасини тоабад муҳрлаб қўйдилар. Эсиз ёшлик, эсиз умр!

Мазкур фожиа ҳақида сўз айтгани республика радиосига борганимда ўша ерда ишлайдиган ёш дўстларимдан бири «Унутилмас воқеа бўлди-я шу?» деб қолди. Дастлаб бу гап менга эриш туюлган эди. Дарҳақиқат, биз кўпинча ижобий оҳангда қўллайдиган «унутилмас» ибораси бу ўринда ғалатироқ, сал шаккоклик билан айтилганга ўхшайди. Лекин ортиқча сипогарчилигу сўзпарастликни бир четга қўйиб гапирадиган бўлсак, 16 февраль воқеаси ҳақиқатан ҳам халқимиз тақдирида, Ватанимиз тарихида ҳеч қачон эсдан чиқмайди. Унутилмайди. Унутилмас! Ўша машъум кун мустақиллигимиз солномасига янги саҳифа битди. Мудҳиш саҳифа, қора саҳифа. Биз уни унутилмас сана, ҳаёт-мамот санаси сифатида яна кўп замонлар эслаб юришимиз муқаррар. У бизни оғир бир имтиҳондан, таъбир жоиз кўрилса, ватанпарварлик чиғириғидан ўтказди. Ўша кундан эътиборан, айтиш мумкинки, биз бошқа одам бўлдик, Ватан, эрк, мустақиллик тушунчаларига ўзгача назар билан қарайдиган, уларни ўзга мезонлар билан баҳолайдиган чинакам фуқарога айландик; бу калималарнинг асл қадри, асл моҳиятини дафъатан қаттиқ ва аниқ ҳис этдик. Шунингдек, бу ҳодиса бизга аччиқ бир сабоқ бўлди. Демак, мустақиллик дегани, баъзи бировлар хаёл қилганидек, осмондан тушган текин бир туҳфа, яккаш тантанаю шодиёналардан иборат давру даврон эмас экан, унинг шу хил тахир синов-синоқлари ҳам бўлар экан. Бундайин балоларга ҳам мудом ҳушёру ҳозиқ турмоқ даркор экан.

16 февраль воқеалари жамиятимизни ларзага келтиргани ҳақиқат. Мудроқ кўзлар очилгани ҳам ҳақиқат. Беғам диллар сергак тортгани-да ҳақиқат.

Ана шу Ҳақиқатни эсдан чиқармасак бўлгани.

Эркин АЪЗАМ

Хатлар, хатлар, хатлар

Сўз бошқаю иш бошқа эканда...

Камина «Тошкент» аэропорти дирекцияси ҳузурида беш йилдан бери таржимон бўлиб ишлаб келаман. Асосий вазифам рус тилидан ўзбекчага таржима қилиш. Гоҳида зарурат юзасидан хат-хабар, аризаларни ҳам ўзбекчадан русчага таржима қиламан. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кадрлар ва ижтимоий-сиёсий бошқармасининг бошлиғи Б.Қурбоновнинг бизга йўллаган хатини олдик. Унда ишлар давлат тилида олиб борилиши кераклиги таъкидланганди. Шуни назарда тутиб мен «Шартномалар бўлими»дан келтирилган аризаларни русчага таржима қилмай қўя қолувдим. Бўлмади, мажбур қилишди.

Воқеа шундан бошланди. Аэропорт директорининг биринчи ўринбосари Зокир Иброҳимов имзоси билан чиқарилган буйруққа кўра камина жазоландим. Унда ўз ишига совуққонлик ва топшириқдан бош тортганлик учун ўртача маошимнинг 20 фоизи ҳисобида жарима чегириб қолиниши қайд қилинган. Ҳатто бу ҳақда оғзаки огоҳлантиришмади ҳам. Бундай адолатсизлик ноўрин бўлгани ҳақида авиакомпания кадрлар ва ижтимоий-сиёсий бошқармасининг бошлиғи Бўри Қурбоновга мурожаат этдим. У кишига: Аэропортда давлат тили хусусидаги «юборилган хатингиздаги кўрсатмага зид равишда ишлар қилинмоқда» дейишимни биламан, ҳе йўқ, бе йўқ, нима эмиш:

— Беш йилдан бери нечта таржимон тайёрладингиз? Аэропортнинг бўлимларига ўзбекчани яхши биладиган нечта одам тайёрладингиз?— деди. Ҳайрон бўлдим. Бу даъвонинг менга қандай дахли бор. Бундай талабдаги ишлар таржимоннинг вазифасига кирмаса... Мана сизга кадрларга муносабат. Ҳа, сўз бошқаю иш бошқа эканда.

Юртимизда давлат тили жорий этилганининг 10 йиллиги нишонланаётган бир паллада аэропортда бўлиб турган синоатни қаранг-а.

Шарофиддин ТУРОПОВ,
Тошкент.

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«Шартнома хўжакўрсинга тузилади...ми?»

Газетанинг 1998 йил 24 ноябрдаги сонида босилган «Шартнома хўжакўрсинга тузилади...ми?» сарлавҳали мақоласи вилоят ва туман ҳокимликларида кўриб чиқилди.

Хўжаликлар ва корхоналар раҳбарларининг шартномалар тузишга бўлган масъулиятини кучайтириш тадбирлари белгиланди.

Вилоят хўжалик суди томонидан Касби туман хўжаликларида тузилган шартномаларнинг ҳуқуқий талабларга қай даражада жавоб бериши ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва такрорланмаслиги мақсадида вилоят хўжалик судининг бу ҳақдаги маълумотномаси туманлар ҳокимликларига юборилди.

Хоразм вилояти «Қишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» бирлашмасининг Чироқчи туманидаги «Кўкдала» жамоа ширкат хўжалигидан 11399030 сўм ундириш ҳақида даъвоси бўйича даъвогар фойдасига хўжаликдан 1479000 сўм қарз, 739500 сўм жарима, 45600 сўм суд харажатлари ундирилган. Шу тумандаги «Чиял» жамоа ширкат хўжалигидан 36561444 сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича, даъвогар фойдасига жавобгардан 7613926 сўм қарз, 1903482 сўм жарима ва 365614 сўм суд харажатлари ундирилган.

Даъво суммаларининг қолган қисми суд қарорлари билан рад қилинган.

Қашқадарё вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари Ф.АШУРОВ

«Аждодлар хотираси муқаддас»

Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлимлари раҳбарлари иштирокида газетанинг 1999 йил 4 апрель сонида чоп этилган «Аждодлар хотираси муқаддас» сарлавҳали мақола ўрганилиб чиқилди.

Вилоят ҳудудидаги 422 та ёдгорлик «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими томонидан рўйхатга олинган. Ёдгорликларнинг 76 таси иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасига ўрнатилган.

Вилоят топонимик комиссиясининг 1997 йил 26 июлдаги қарори асосида шаҳарлар ва туманлар ҳудудидаги Мустақиллик ва истиқлол тамойилларига зид бўлган ёдгорликлар қайта кўриб чиқилди ва уларнинг 90 фоизи янгиланди.

Дарҳақиқат, совет тузуми даврида барпо этилган, истиқлол ғояларига зид бўлган ёдгорликлар ҳам йўқ эмас. Фарғона шаҳрининг Қаҳрамонлар ҳиёбонидаги «Мотамсаро йигит» ҳайкали шулар жумласидандир. Фарғона шаҳар ҳокимлиги томонидан ушбу ҳайкални янгилаш бўйича таклиф тайёрланган. Унинг ўрнига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилиши режалаштирилган.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари
Ф. АЗИМОВ

Замонга тиҳмонга тенг



Қосимохун ака Отахонов кўп йиллардан буён сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Жорий йилда у бошлиқ бригада сабзавоткорлари Японияда келтирилган «Саката» навли помидор уруғидан кўчат олишди ва очиқ майдонларга экишди. Куни кеча дастлабки терим бошланди. Ҳар тупда 1-1,5 килограммдан пишган помидор бор. Теримда қатнашаётган деҳқонларнинг қувончлари бир олам.

— Мустақиллигимиз шарофати билан кўзларимиз очилди. Дунё бизга боқди, биз эса дунёни таниямпиз. Агар мустақиллик пешонамизга битмаганда кунчиқар мамлакат ишбилармонлари билан ҳамкорлик қилиш қаёқда эди. Энг муҳими, бу ҳамкорлик юртбошимиз таъбири билан

Янги замон деҳқони

айтганда, салоҳиятимизни янада оширишга хизмат қилади, — дейди Қосимохун ака.

Сабзавотчилик, айниқса помидор етиштириш анча меҳнат талаб этади. Мазкур тармоқда жуда кўп йиллардан буён бир қолипда ишлаш мавжуд эди. Куз тугаши биланоқ иссиқхоналарда кўчат етиштиришга тайёргарлик кўриларди. Қиш чилласида бу иш энг чўққисига чиқарди. Иссиқхоналарда етиштирилган кўчатлар ҳароратнинг кўтарилишига қараб очиқ майдонларга экиларди.

Хўжалик ёнгинасида Ўзбекистон-Россия-Буюк Британия «Маск» қўшма корхонаси бор. Бу қўшма корхона бир кечакундузда 900 тонна помидорни қайта ишлаш қувватига эга.

Қўшма корхона раҳбарияти бир қатор хорижий мамлакатлардан уруғликлар олиб келди ва парваришлади. Шундай тажрибаларнинг бири Японияннинг «Ниссё Иваи Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда олиб борилди. Чоғроқ майдондаги тажриба ҳар икки томонга ҳам маъқул келгандек бўлди. Ўзаро келишувга мувофиқ бу йил 10,5 гектар майдонга Японияда келтирилган помидор уруғидан кўчат олиниб экилди.

Ишнинг бошида бизнинг деҳқонларимиз бироз ички ҳаяжонга тушганлигини ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Юқорида зикр этганимиздек биргина кўчат тайёрлашга камида 3-4 ой вақт кетади. Японияликлар эса бу усулимизга рўйхушлик беришмади. Уруғлик исиқхоналарга 30 апрель куни сепилди. Ҳароратнинг етарли бўлганлиги боис икки ҳафтадаёқ кўчат тайёр бўлди. 15 майда далага ўтказилди. Парвариш худди ўзимизникидек олиб борилди. Ҳосилнинг пишиб етилиши ўртасидаги фарқ унчалик паст-баланд бўлмади. Яшириб ўтиришга ҳожат йўқ. Маҳаллий шароитдаги помидор ҳосили тугаб боряпти. Японияндан келтирилган помидор эса бирдек ривожда. Бир теримда ҳар гектар ер ўртача 30 тоннадан ортиқ ҳосил беряпти. Иккинчи терим ҳисоби билан кўрсаткич яна кўпаяди.

Куни кеча японялик ишбилармонлар андижонлик ҳамкорлари ҳузурига ташриф буюришди. Қосимохун ака Отахонов бир неча дона етилиб пишган помидорларни ерга ташлади. Бирор жойида зарбанинг таъсири кўринмади. Маҳаллий ва хорижий навдаги помидорлар тарозига қўйилди. Ҳар бир дона помидорнинг вазнида катта фарқ бор. Жумладан, Япония помидорининг ҳар донаси ўртача 90 граммдан тош босди. Гап бу ерда фақат оғирлик ҳақида бормаяпти. Маҳаллий шароитдаги помидорларда қуруқ модда ўртача 4-4,5 фоизни ташкил этса, японларникида бу кўрсаткич 5,8 фоизга тенг. Помидорнинг сифат кўрсаткичларидан бири ҳам ана шунда.

Японялик тадбикорларнинг айни пишиқчилик пайтида ҳамкорлари ҳузурига келиши бежиз эмас. Йиғиб-терив олинаётган помидор зудлик билан «Маск» қўшма корхонасига етказиб бериляпти. Қўшма корхонада эса ҳамкорликда етиштирилган помидор томат пастасига айланаяпти. Олинадиган томат пастасининг маълум қисми тез кунларда Японияга жўнатилади.

Компания менеджери жаноб Маороэкани билан суҳбатлашдик. У ўз компаниясини сабзавот уруғчилиги масалалари билан шуғулланиши ҳақида сўз очиб анчагина фикр-мулоҳазалар билдирди. Японияда ҳар бир гектар ерга ўртача 37-42 минг туп помидор кўчати жойлаштирилади. Бунинг учун атиги 300 грамм уруғлик сарф қилинади. Ҳосилдорлик ўртача гектар ҳисобига 120 тоннага тўғри келади.

Хорижлик меҳмон шу ўринда бизнинг деҳқончилигимиздаги баъзи бир камчиликларга ўз муносабатини билдирди. Республикамизнинг бошқа ҳудудларини билмадик, лекин Андижонда ҳар гектар ерга ўртача 50-60 минг туп помидор кўчати экилади. Натижада дастлабки ҳосил мевалари йирик бўлади, қолганлари эса борган сари майдалашади. Қарабсизки, ҳосил ўз ўзидан йўқолади. Японияда бир гектар ердан 120 тоннадан ҳосил берган помидор уруғидан Андижонда 60-70 тонна кутиляпти. Янгиликка эндигина қўл урган деҳқонлар учун бир мавсумда бу кўрсаткич катта кўтарилиш, албатта.

Хўжалик раҳбари Шуҳратбек Жўраевнинг таъкидлашича, Японияндан олинган помидор уруғи ҳисобига деҳқончилик қилган Машрабжон Ҳамроев, Ҳамидулла Мўйдинов, Фазлиддин Валиев бошлиқ бригада сабзавоткорлари ҳам 70 тонналик хирмонни кўзлашяпти. Агарда бугун хўжаликда ялпи помидор ҳосили 4,5-5 минг тоннани ташкил этса, янгиликни тўлатўкис жорий этиш билан уни тенгма-тенг миқдорда кўпайтириш учун асос бор. Японялик меҳмонлар ўзбек деҳқонларининг янгиликка иштиёқ билан қараётганликларини ҳис этишиб, бундан буён ҳам борди-келди ва ҳамкорлик ривож топади, деб умид билдиришди. Дарҳақиқат, юртбошимиз таърифи билан айтганда халқаро ҳамкорликка киришмаган ҳеч бир корхона ёки жамоанинг келажаги йўқ. Сабзавоткорларнинг халқаро ҳамкорликка чиққанларининг ўзи ҳам бу йўлда қутлуғ қадам.

Қ. АСҚАРОВ

Суратларда:
1. Японялик мутахассислар. 2. Бригада бошлиғи Қосимохун Отахонов ва раис Шуҳратбек Жўраев.

Ҳурсандбек АРАББОЕВ олган суратлар.

Ҳотам Тойни... танийсизми?

... Хазораспликлар тадбиркор кишилар. Қуйи Амударё минтақасидаги энг йирик бозорнинг айнан шу тумандалиги бежиз эмас. Бозор — тадбикорлар, тижоратчилар кўп, қулай манзилда вужудга келади...

Шу туманда бир танишим бор — Бахтиёр Шерматов деган. Асли касби муҳандислик. Аммо, замона туфайли тадбиркорлик этагини тутди. Кам бўлмади. Эл қатори яшаяпти. Балки, бир пахса юқорироқ...

Бахтиёрнинг тадбиркорликда қайси йўлни танлаб, шу соҳада тер тўкаётганининг қизиғи йўқ. Ҳозир мавзу бу ҳақда эмас. У ишчан, очиқ кўнгил йигит. Ва сахий!

Энди айтмоқчи бўлган мавзуимизга яқинроқ келдик. Чўзиб ўтирмаслан дарҳол «ҳовузнинг ўртасига» тушсакда бўлаверарди-ю, аммо бирни кўриб шукур қил, мингни кўриб фикр қилмоқни маъқул топдик-да...

Ижодиёт аҳлига осон эмас. Шеър бир ҳамла билан ёзилар, қисса-рўмон сон-саноқсиз тунлар ҳосиласи бўлар. Ёзувчининг соғлиғи титкиланар, асаби емирилар. Ўзингиз ўйланг, икки жумлани қовуштиролмайдиган замондошларимиз сон мингта.

Майли нима бўлса-да асар ёзилди, қоғозлар қораланди, кўз нурлари оқ қоғозга маржон-маржон сўзлар бўлиб тизилди. Бу ёзилмишларни ижодкор фақат ўзи учун қораламаган. Уни ҳеч бўлмаганда уч... ўн, юз... минг киши ўқиши керак.

Асарни таҳрир қилиб, яхшилаб машинкада ёздирган ижодкор энди бирор нашриёт эшигидан бош суқади. Унинг бадиий савияси, замонга мослиги муҳаррирнинг бир неча кунлик танишувида ойдинлашади ва ёзувчи олдига шартнома, ҳисоб қоғозлари ташланади. «Сиз мана шу миқдордаги пулни ўтказадиган бирор ҳомийни топинг. Бу ёғини бизга қўйиб беринг. Пул ўтса икки қоғозлари ташланади. «Сиз мана шу миқдордаги пулни ўтказадиган бирор ҳомийни топинг. Бу ёғини бизга қўйиб беринг. Пул ўтса икки китоб қўлингизда деяверинг!..»

Ўша ёзувчи-шоирнинг Бахтиёрга ўхшаган бирор тадбиркор таниши бўлса унда ошиғи олчи. Бахтиёр ҳарқалай санъатни, адабиётни, энг асосийси ёзма сўзни қадрлайдиган, тушунадиган йигит. Имкони қадар ҳомийлик қилади, маблағ топиб беради.

Аммо, афсус Бахтиёрлар кўпчилик эмас...

Хоразм вилоят ҳокимлиги Тўмарис ҳақидаги саҳна асарини Огаҳий номли театрда қўйилиши учун маблағ ажратди. Яхши иш. Савобли иш.

... Эгам ота Искандаров деган табаррук отахон бор. Умрини табобатга бахшида этмиш отахон нафақага чиққач, узоқ муддат «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлимини бошқарди. Шу аснода умр тажрибаларидан бир китобча тартиб қилди. Кекса ва тажрибали инсоннинг китоби билан танишиб у ҳақда бир-икки варақ тақриз ёзмоқчи эканимни айтганимда Эгам ота илтимос қилдилар: «Китоб ҳақда қандай фикр билдирсангизда эътирозим йўқ, аммо шу китобчамга ҳомийлик қилган ташкилот номини албатта эслатиб ўтинг!»

Эгам отанинг китобига Урганч шина таъмирлаш заводи ҳомийлик қилганди. Хиванинг икки минг беш юз йиллик юбилейи арафасида шаҳар музей қўриқхонасининг илмий ходими Комилжон Худойберганов узоқ ва яқин тарихимиз борасида теша тегмаган мавзуда — ўз илмий тадқиқотларини қоғозга туширириб иккита китоб нашр қилдириб, ўқувчиларга тақдим этди. Жуда зўр туҳфа бўлди бу китоблар. Бу ўринда мазкур тарихий-таҳлилий асарларга ҳомийлик қилган «Жанубгазқурилиш» ташкилотини бир карра эслатмасак биз нонкўрлик қилган бўламиз...

Иккита «Икарус» хусусий автобуси бўлган, шахсий мулкининг ҳисобига етмайдиган бир тадбиркорни биламан. Икки шаҳарда дўкон очиб қўйибди.

Воҳалик ёш, умидли бир шоир укамизнинг илк тўпламини пойтахт нашриётларидан бирида чоп қилдириш мақсадида ана шу бадавлат акамизга сўз солдим. Гап қирқ минг сўмнинг нари-берисида кетаётганди. «Менда кўчага ташлайдиган пул йўқ!» деди у ҳам кулиб, ҳам хўмрайиб... Ваҳоланки, ўша акамиз шахсий «Икарус»ларини пойтахтга ҳар жўнатганда чўнтагига камида эллик минг сўм соф фойда киритади. Худонинг берган куни кўп, йўловчи деганимиз тиқилиб ётибди...

Унга савоб ҳақда, сахийлик борасида эслатмоқ ортиқча эди. Ҳузурига етаклаб борган нарса эса... ана шу тадбиркорнинг бир тўйда раққосага ўттиз минг сўмни тутқазганини ўз кўзим билан кўрганим туфайли эди. Уч дақиқалик кўнгилхушлик деб мингминглаб пулни отарчи-раққосага тутишдан баҳра олиш қайда-ю, бир ижодкорни маънан-моддий қўллаш қайда?..

Худди шундай яна бир «фабрикант»дан ҳозирги бозор шароитида қилаётган савобли ишлари ҳақда сўрадим. «Спортми, футболними ривожлантирамиз деб қандайдир жамғармаларнинг ... ёрдам сўрашди. Беш минг сўм ўтказиб беришим керак экан. Уч марта ҳокимликка чақиришгач, минг сўм бердим...»

Изоҳ ортиқча!

Майли, хусусий мулк — дахлсиз. Тадбиркор, тижоратчи ўз билганича ишлатиш ҳуқуқига эга. Истаса иморат қуради, дўкон солади. Истаса сувга оқизади...

Тадбиркор бир танишим юрт тарихидан рўмон ёзган ижодкорга катта мукофот эълон қилди. Китобни чоп қилишни зиммасига олди...

Яна бир тадбиркор эса... ҳузурига ўн дона китоб кўтариб келиб, арзимас баҳода сотиб олишни сўраган укамизга чидаб бўлмайдиган гап айтди: «Бундан кўра икки шиша ароқ келтирсанг, хизмат ҳақингни берардим...»

Тарихда Ҳотам Той ўтган. Сахий бобомизнинг таърифи минг йилки тилларда. Агарда ҳозирги замон иқтисодчилари қўлига калькулятор берсангиз улар Ҳотам Тойни Ҳотам Той қилган бор мол-мулкининг ҳисобини сизга дарҳол чиқариб беришади ва хулоса қилишади: «Минг-минг қўй... Шу ҳам бойлик бўладими? Қўшнимда юзта Ҳотам Тойнинг мулки бор!»

Узоқ тарихимизда ўтган бойлар, бадавлат мулк эгаларининг сонини ҳеч ким билмайди. Мингдир, миллиондир?

Меценат исмли шахс ижод аҳлининг бошини силагани учун тарихга кирди, унинг номи ҳомийлик рамзига айланди.

Ҳотам Той савобталаблиги учун ҳатто дунёнинг етти мўъжизасини яратган шахсларданда машҳур!

Бизда тадбиркорлар кўп. Ишбилармонларнинг саноғи йўқ. Юздир, мингдир. Ўн мингдир. Аммо, Ҳотам Тойни танимайдиган тадбиркорларнинг сони ҳам шундан кам эмас.

... Эндиликда тадбиркорман деб кўксига уриб, энг сўнгги русумдаги енгил машина миниб, дунё кезиб юрган юртдошларимиз билан хизмат туфайли юзлашганда илк берадиган саволим бир хилда бўлади: «Ҳотам Тойни танийсизми?»

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Тадбиркор бирадарларга

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

Тарих — сабоқ

Мустамлака «мактаби»

Мустақилликка эришганимиздан буён йиллар ўтгани ва тарихий 1991 йилдан узоқлашганимиз сайин биз 130 йиллик мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятини янада чуқурроқ англаяпмиз. Шунингдек, таъқиқлаб келинган мавзулар яна кун тартибидан ўз ўрнини тиклаб боргани сайин халқимиз яшаб ўтган қора кунлар ваҳми ва қиёфаси ошкора очилиб бораяпти. Шулардан бири аҳолини кўчириб келтириш сиёсати чоризм ва совет тарихчилари ёзгани каби юртимизга Европа маданиятининг кириб келиши эмас, аксинча бизнинг минг-минг йиллардан буён шаклланган ерга, заминга, тузумга, давлатга, раҳбарга ва шахсга муносабатимизни, миллий ўзлигимизни, миллий деҳқончилигимизни издан чиқариш, шу орқали миллий қиёфамизни йўқотиш учун атайлаб уюштирилган «сиёсий тадбирлар»дан бири эканлигини ҳамиша ҳам англайвермаймиз. Агар бир халқ вакиллари ўзга юртга ўз хоҳиши билан, ўша юртнинг миллий қадриятлари ва ўзлигини ҳурмат қилган ҳолда кўчиб келса, бу ҳеч кимда эътироз уйғотмайди. Аммо кўчиб келиш сиёсати зўравонлик, туб миллатни йўқ қилиш каби қабиҳ ният устига қурилса-чи? Бу барча даврда қораланган, қолаверса унинг туб моҳиятини кенг оммага етказиш, очиб бериш зарур бўлади. Бу бизнинг бугунги миллий ўзлигимизни англаш жараёнига ёрдам беради. Давр тарихчилардан фақат сонларни келтириш билан чекланмасдан масалани мустамлакачилик сиёсати бизнинг туб ildиз ва таянчларимизга қандай таҳдид солди, деган саволга жавобни чуқурроқ очишни талаб қилаяпти. Тарихини англамаган, ундан сабоқ чиқармаган халққа ҳамиша мустамлака ва таназзул хавф солаверади. Президентимиз ўтган йили журналист ва тарихчи олимлар билан учрашуви чоғида тарих хулосалари бу фақат илмий масала эмас, сиёсий масала эканини ҳамда тарихни қуруқ сана келтириш билан эмас, таҳлил билан ўзлаштириш зарур эканлигини таъкидладилар. Таҳлил тарихни тўғри англашга олиб келади. Шу сабабли ҳам босиб олинган ерларга аҳолини кўчириб келтиришнинг туб моҳияти, гарчи иқтисодий тадбир бўлиб туюлсада, асли сиёсийдир — мустамлака сиёсатининг бир қисмидир. Аҳолини кўчириб келтириш сиёсати шунчаки табиий жараён бўлмай, ўзга халқни эзишга қаратилган, мустамлакада ушлаб туришнинг бир кўринишидир. Айнан шу кўринишда ўзга халқ вакиллари тақдирини паймол қилишдек мақсад ётади.

Маълумки, Ўрта Осиё ва Қозоғистонни босиб олгач, чоризм турли-туман тадбирлар билан бирга аҳолини кўчириб келтириш орқали ҳам бу ерда ўз сиёсатини мустаҳкамламоқчи бўлди. Аҳолини кўчириб келтириш совет тарихчилари томонидан Туркистонда онгли ишчилар синфини пайдо қилишга туртки берган ижобий ҳодиса сифатида эътироф этиб келинди ва бу сиёсатнинг туб моҳияти иложи борича очилмади. Советлар ҳам чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини давом эттирдилар.

Аслида аҳолини кўчириш сиёсати Россиянинг иқтисодий-сиёсий ҳаётида алоҳида ўрин тутиб, унинг мақсад, вазифа ва босқичлари мавжуд. Аҳолини кўчириш чоризм мустамлака сиёсатининг асосий қисмини ташкил этади ва бу сиёсат бошданоқ чуқур ўйланган, пухта режалаштирилган маккор сиёсат эди. Бу сиёсатни ҳеч қачон бизга Европа маданиятини олиб келди деб оқлаб бўлмайди. Бу сиёсатнинг оқибати шўролар тузумининг дастлабки йилларида Туркистонда очликдан ўлган миллионлаб кишиларнинг қора тақдирларида ўзини кўрсатди. Бу сиёсатнинг оқибати Орол денгизи қуриши тимсолида кўринди.

Тарихда фожиалар, кечириб бўлмас хатоликлар кўп бўлган. Мустамлакачиликнинг энг даҳшатли хатоларидан бири Америка қитъасида содир бўлган.Туб аҳолининг охир-оқибат ўз жаннатмакон ерларидан ҳайдаб чиқарилиб, резервацияларга ярим тутқун ва ярим қул ҳолатда кўчириб юборилиши юз миллионга яқин туб аҳолининг қирилиб кетишига ва халқ сифатида ўз қиёфаларини буткул йўқотишига олиб келди. Англия Ҳиндистонда худди шу сиёсатни юргизишга уринди. Европа мустамлакачилари эса Африкада худди шундай йўл тутдилар ва оқибатда бу қитъа асосан оқ танлилар яшайдиган давлатларга айлантирилди. Аслида Россия империясининг туб мақсадларидан бири шу эди. Ва бу Пётр 1 дан сўнг мафий ва ғоят устамонлик билан ишлаб келинарди. Туркистон босиб олингач, бу махфий режа лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

XIX аср ўрталарида Россия ярим жандарм давлат шаклида шарқий Европанинг катта қисмидан Тинч океанигача бўлган кенгликда мустамлакачи империя сифатида ҳаракат қилди. Лекин Россия аграр-ҳарбий давлат бўлиб асосий даромади қишлоқ хўжалиги ва мустамлакалардан тушган маблағ ҳисобига кун кўрарди. Жуда катта армия, давлат тизими ва катта молиявий маблағ талаб қилинаётган мустамлакачилик урушлари уни ҳолдан тойдираётган эди. Россия миллий жойлашув ва миллий характер жиҳатидан капиталистик тараққиётни секин қабул қилди. Шу сабабли унинг даромади асосан мустамлакачиликдан тушарди. Чоризм мустамлакани азалдан қандай бўлса шундай, ушлаб туриши ва катта даромад олиши мумкин эди. Аммо чоризм учун бу хавфли эди. Шу сабабли даромад келаётган жойни ўз аҳолиси эвазига ўзлаштириш, туб жойлардаги миллий бирдамлик руҳини синдириш, мамлакат ичкарисидаги ўзига содиқ фуқароларни тобе жойларга кўчириб келтириб, аста-секин даромад тушадиган, суғориладиган ерларни шу содиқ фуқаролар қўлига олиб бериб, туб аҳолини даштлар, умуман зироатчилик қилиб бўлмайдиган саҳроларга ҳайдаб чиқариб, шу йўл орқали халқни маълум маънода, америкача атама билан айтганда резервацияларда ушлаб туриш, уларни миллат сифатидаги қиёфаларидан маҳрум қилиш кўзда тутилган эди. Бу на шўро тарихчилари, на чоризм тарихчилари китобларида учрайди. Аксинча, ҳар иккала тузум тарихчилари ҳам мустамлакачилик сиёсатини хаспўшлашга уринадилар. Бироқ ўша пайтдаги тарихий ҳужжатларга эътибор қилсак, уларнинг сизу биз излаётган жирканч мақсадлари аён бўлганини кўрамиз.

... 1866 йил. Ҳали Россия Туркистонни тўлиқ эгалламай туриб, сенатор, граф Пален Туркистонни босиб олишдан иккиёқлама манфаат борлигини ёзган эди. 1) Давлатга манфаат келтирувчи манба ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлаб турувчи бозор сифатида иқтисодий аҳамияти. 2) Мустамлакачилик сиёсати нуқтаи-назаридан ички губерниялардаги ортиқча ишчи кучини кўчириб борадиган манзил сифатида. Умуман олганда, чоризм тобе ўлкаларда ўзининг мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш учун босиб олинган жойларга қўшин изидан ҳамиша аҳолини кўчириб бориш сиёсати билан бошқа мустамлакачилардан ажралиб туради.

Сибир мустамлакасида, Кавказ босиб олинганда, Шимолий Қозоғистонда айнан шу ҳолатни кўрамиз. Туркистоннинг асосий йирик шаҳарлари босиб олиниши билан ҳали жангу жадаллар тугамасдан Ўрта Осиёга аҳоли кўчириб келтириш бошлаб юборилди. Тарихчи Н. Мусаевнинг ёзишича, аҳолини Ўрта Осиёга кўчириб келтириш уч босқичда амалга оширилган.

Биринчиси — 1867-1891 йиллар.

Иккинчиси — 1891-1897 йиллар.

Учинчиси — 1900-1916 йиллар.

Биринчи босқичда давлат мажбурий кўчириш сиёсатини олиб борган. Иккинчи босқичда эса ихтиёрий-мажбурий кўчиб келиш бошланган. Ихтиёрий кўчиб келишга имконият яратиш учун чоризм кўчиб келганларга беҳад катта имкониятлар яратиб берган. Туркистон ҳарбий округи штаб бошлиғининг қуйидаги кўрсатмасига эътибор беринг:«...Очиғини айтганда, биз аввало рус манфаатига, руснинг миллий манфаатига хизмат қиламиз... шу сабабли туб аҳоли қўлидаги ер ҳам энг аввало русники, туб халқники эмас, рус давлатиникидир...» Кўрсатманинг давомида руслар хоҳлаган, кўнглига ёққан жойни, ерни сўзсиз тортиб олиши ва ҳақиқий ер эгасини ҳайдаб юбориши мумкинлиги таъкидланган ва бу кўрсатмани генерал-губернатор ҳам тасдиқлаган. Ҳужжатлар шуни кўрсатади-ки, кўчиб келувчилар солиқ ва бошқа мажбуриятлардан озод қилинган. Шундай қилиб, Еттисувда 1883 йилгача 36 та рус қишлоқлари қурилган. Фарғона вилоятида ҳам ҳар йили 3 тадан 5 тагача рус қишлоқлари пайдо бўлаверган. Генерал-губернаторлик иложи борича бу қишлоқларнинг темир йўл яқинида об-ҳавоси салқин, хушҳаво жойларда, суғориладиган ва кўп ҳосил берадиган ерларда қуришга уринган, кўчиб келувчиларга махсус имтиёзлар бериб турилган, туб аҳоли эса аста-секин четга суриб чиқарила бошлаган. 1881йил Ф.К.Гирс бошчилигидаги комиссия Туркистонга келиб, кўчиб келувчилар ва кўчиб келганлар туб аҳолига нисбатан ниҳоятда шовинистик муносабатда бўлаётганини ёзади. Бироқ 80-йилларда кўчиб келувчилар сони кескин камайди. Бундан ташвишга тушган чоризм 1889 йил 13 июлда фақат ер эгалари — деҳқонларга эмас, аҳолининг деярли барча қатламларига Туркистонга кўчиб боришга ва имтиёзлардан фойдаланишга рухсат берувчи қонун чиқарди. Бу қонундан сўнг Туркистонга одамлар оқиб кела бошлади. Буни шундан билса бўладики, икки йил ичида Сирдарё вилоятида 17 та рус қишлоғи пайдо бўлди. Оқибатда асосий суғориладиган, серҳосил ерлар рус деҳқонлари қўлига ўтди.

Шундай бўлса-да, аҳолининг кўчиб келишини ҳукумат ўзи назоратида ушлаб турди ва кўчиб келишни ҳар хил йўллар билан қўллаб-қувватлади, ташкиллаштирди. Масалан, 1907 йилнинг ўзида Туркистонга 427.339 киши кўчиб келди. Оқибатда суғориладиган ерлар қолмаганлиги сабабли 1910 йилда Николай-II «Кўчманчилар ихтиёридаги ерларнинг бир қисмини давлат манфаатларини ўйлаб, кўчиб келувчиларга бўшатиб бериш ҳақида» қонунга имзо чекди. Бу қонун моҳиятан чоризм аҳолини кўчириб келтиришни кенг миқёсда олиб бораётганидан ва кўчиб келувчиларни Туркистоннинг асосий аҳолисига айлантиришни мақсад қилганидан дарак бераради.

Чоризм фақат мамлакат ичкарисидан эмас, балки Хитойдан ўтган қочоқларни ҳам (уйғур, дунган) Туркистон ўлкасига жойлаштириб, Хитойдан ҳар йили миллион-миллион даромад оларди. Империя имкони борича, Туркистонни турли миллат, дин эътиқодига мансуб халқлар аралашмасига айлантиришни ва шу орқали миллий озодлик курашларига абадий барҳам беришни режалаштирганди. Туркистон махфий полиция, ҳар йили келиб кетувчи комиссиялар, генерал-губернаторлик томонидан узлуксиз назорат қилинар, барча куч халқнинг озодлик руҳини синдиришга қаратилганди. «Туркистонда 1905-1906 йиллардаги инқилоб» китобининг муаллифи А. В. Песковский бу ҳақда шундай ёзади: «Туркистонга рус буржуасининг энг танбал ва ёввойи табақаси —савдогарлар, чайқовчилар, даллоллар, олибсотарлар, судхўрлар оқиб кела бошлади, уларнинг ҳаммаси бу ерга туб аҳолини эксплуатация қилиш эвазига бойишни мақсад қилиб олишганди». Генерал-губернатор украин деҳқонларининг Туркистонга кўчиб келишига қаршилик қилиб, кўчиб келувчиларнинг фақат рус бўлишини талаб қиларди.

Чоризм ички губерниялардаги аҳолини мустамлакага кўчириш сиёсатини бир зум унутган эмас. Рус ҳукумати эътирофига кўра, Туркистон ва Қозоғистонга XIX аср охиригача 12 млн. киши кўчирилган («Рус немислар», 1997 й. №10, 65 бет).

Россия мустамлакасидаги туб аҳолини кам фоизга тушириш орқали мустамлаканинг умрини узайтиришни мақсад қилганди. Бундай «тажриба» бошқа йирик мустамлакачи давлатларнинг биронтасида учрамайди. XIX асрда мустамлака аҳолиси Россиянинг туб аҳолисидан тўрт марта кам эди, яъни бор-йўғи 30 фоизни ташкил қиларди. Англиянинг мустамлакасидаги аҳоли Англия аҳолисидан 9 марта, Францияники 1,5 баравар кўп эди. Кўриниб турибдики, рус мустамлакаси ўзининг табиати, мақсади ва моҳияти жиҳатидан Америкадаги мустамлакачилик сиёсатига анча яқин. Агар чоризмнинг кўчириб борган деҳқонлари заминдорликни тўла қўлга олганида эди, туб аҳоли худди резервация шаклида чўлу биёбонга ҳайдаларди. Бироқ рус заминдорлари Туркистон ерларидан унумли фойдалана олмадилар, тўғрироғи, она ер мустамлакачиларга ўз сирини очмади. Чоризмни бу нарса ғоятда ташвишга солиб қўйди. Кўчиб келган рус деҳқонлари энг серҳосил ерлардан ҳам ёмон ҳосил оларди. Ўтган асрнинг 70-йиллари охирида Туркистонга келган рус академиги Миддендорф Сирдарё бўйидаги серҳосил ерларни эгаллаган рус деҳқонлари ердан мутлақо фойдалана олмаётгани, устига-устак ялқов олибсотарларга айланганини, бу ерда яратилган имтиёзлар уларни пешона тери билан эмас, алдамчилик ва миллатчилик билан кун кўриш имкониятини берганини ёзган эди. Оқибатда чоризм ўзи кутганидек, Туркистоннинг серҳосил ерларини эгаллаган рус деҳқонлари эвазига мамлакатни озиқ-овқат, хомашё билан таъминлаш режаси пучга чиққанини тан олиш ўрнига аҳолини кўчириб келишда давом этди, лекин асосий юк туб жой аҳолиси зиммасида қолаверди.

Чоризм халқимиз руҳини эгишга, уни азалий анъаналардан, азалий илдиз, азалий қувватдан маҳрум қилишни, тарқоқ, миллий ўзлиги ва қиёфасидан маҳрум бўлган халққа айлантиришни истаган эди. Аммо ўз анъаналарига содиқ ва собит бўлган халқимиз руҳини синдиролмади, аксинча бу руҳ авлоддан-авлодга ўтиб 91-йилгача етиб келди. Ва ниҳоят, бу руҳ, қатъият, озодлик ташналиги 1991 йил 1 сентябрь куни юртбошимиз тимсолида намоён бўлди.

Мустамлакачиликнинг азоблари, уқубатларини ота-боболаримиз кўрган, жабр зулмини тортган. Бугун ўтган кунларнинг аламли ва армонли сабоқларини бизлар ҳар лаҳза англашимиз, қолаверса, бугунги ёруғ кунларнинг қадрига етмоқни ўрганмоғимиз лозим. Айниқса, парвардигор назари тушиб турган озод юртимизни ҳеч қачон, ҳеч нарсага алмашмаслик, кечаги кундан сабоқ чиқариб, озодликни ҳеч кимга бермаслик, керак бўлса, шу йўлда жонни фидо қилиш туйғуси ҳеч биримизни тарк этмаслиги керак. 130 йиллик истибдод сабоғи шундай, ўша аҳолини кўчириб келтириш сиёсати пайти ноҳақ қурбон бўлган, ўзи ер, тупроғини ҳимоя қилиб ҳалок бўлган ватандошларимиз руҳи бизларни ҳар лаҳза уйғоқликка, ҳушёрликка чорлаб туради. Энг асосийси, ўз эгасидан бошқа ҳеч кимга ўз бағрини, ўз сирини очмаган она заминимиз бизлар учун бетакрор ва муқаддас Ватанга бўлган муҳаббатимиз рамзи бўлиб қолсин.

Шокир ҒАФФОРОВ,
Самарқанд Давлат университети тарих факультети декани, тарих фанлари номзоди, доцент.

1 2 3 4

Сайловолди компаниясида биринчи бор қатнашди

АҚШ Президенти Билл Клинтон ўзининг вориси бўлиши мумкин бўлган ҳозирги вице-президент Альберт Горнинг сайловолди компаниясида биринчи бор иштирок этди. Шуни эслатиб қўямизки, АҚШдаги президент сайловлари келгуси йили ўтказилади. Арканзас штатидаги Литтл Рок шаҳрида сўзга чиққан Билл Клинтон гўёки ўзи билан Альберт Гор ўртасида қандайдир жанжал чиққанмиш, деган миш-мишларни кескин рад этди. Унинг сўзларига қараганда, Альберт Гор ҳамиша унга содиқ бўлган ва Клинтон вице-президентни қўллаб-қувватлаш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди.

Йил оғир кечиши кутилмоқда

Президент Борис Ельцин ўзига ҳисоб бериб айтдики, Россия учун навбатдаги йил оғир кечиши мумкин. Давлат раҳбарининг матбуот котиби Дмитрий Якушкин вазиятни Сергей Степашиннинг истеъфога чиқиши ва Владимир Путиннинг ҳукумат раиси вазифасини бажаришга киришганлиги билан боғлаб шарҳлади. Матбуот котиби В. Путинга осон бўлмаслигини таъкидлади. Президентнинг В. Путинга муносабати ҳақида гапириб давлат раҳбари унга ишонишини айтди. Лекин мамлакатда фавқулодда ҳолат эълон қилинишига ҳожат йўқ, деди у.

(Интерфакс)

Грузия норози

Грузия Россиянинг жанговор самолётлари Доғистон чегараси яқинидаги ушбу мамлакатга қарашли қишлоқни ўққа тутганлиги муносабати билан Россияга норозилик билдирди. Баёнотда айтилишича, ўтган душанба куни ўққа тутиш натижасида қишлоқда яшайдиган уч киши яраланди. Грузия ҳукмрон доиралари айбдорларни жазолашни талаб қилишди. Россия бундай айбловни рад этмоқда. Бироқ, ушбу воқеа юзасидан тергов жараёнида иштирок этишга тайёр эканлигини билдирди. Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе эса ушбу бомбардимондан жиддий ғазабланганлигини айтди. Ў ушбу воқеа юзасидан Россия Президенти Борис Ельцинга мурожаат қилиб, бу борада тегишли чоралар кўришни илтимос қилди.

(Интерфакс)

Зиёкор

Орамиздаги одамлар

Ўктам ҳожи Умурзоқовни Андижон китобхонларигина эмас, азим Тошкентнинг жуда кўп ноширлари яхши билишади. У узоқ йиллардан бери китоб савдоси, китоб тарғиботчилиги билан шуғулланиб, бу соҳанинг таниқли, уддабурон ишбилармони бўлиб кўзга кўринган. Мен ҳам Ўктам акани таниганимга неча-неча йиллар бўлди. У бошқа нашриётлар қатори, «Чўлпон» нашриётига ҳам жуда шошиб келади-да, — қани қандай янги китоблар чоп этилди?— деб янги китоблар билан танишади. — Ҳа, бу болаларга яхши совға бўлади, келинг шартнома тузайлик, — деб шартнома қоғозини олиб кетиб, тезда пул ўтказиб китобларни олиб кетади.

— Бу албатта «Китоб савдоси» ташкилоти орқали амалга оширилгандан кўра, бизга қулай, чунки янги китобни ўқувчи кутмай тезда олади, — дейди.

Яқинда Ўктам ака «Чўлпон» нашриёти учун бир хайрли ишни қилди. Кейинги пайтда ўқувчиларнинг кўп қисми лотин алифбосига ўтганлиги сабабли бир қанча номдаги китоблар катта нусхада чоп этилганлиги туфайли бир қисми нашриётда туриб қолди. Буни эшитган Ўктам ака нашриётга келиб, китобларни бир-бир кўздан кечирди. Булар Лев Толстойнинг «Бўри болалари», Ойбекнинг «Алишернинг болалиги», Мирза Каримнинг «Нўхат полвон», Мирзапўлат Тошпўлатнинг «Санам тоғидаги гулхан», Олим Бўрининг «Илтифот», Д. Дефонинг, «Робинзон Крузо» каби 30000 сўмлик китобларнинг 15 фоиз пулини ўтказиб олиб кетди. Орадан икки ой ҳам ўтмай қолган пулини ҳам нашриёт ҳисоб рақамига ўтказиб берди.

— Ўктам ака, бу китобларни қандай тез сотасизлар деб сўрасам, эй, ука ҳар бир сотувчи ўз молининг қандайлигини, қайда сотилишини яхши билиши керак, ўшандагина иш юришади, — деб жавоб берди. — Мен ва сотувчиларим авваломбор китобларни ўқиб чиқамиз, ундан кейин бошқаларга тарғиб-ташвиқот қиламиз. Айниқса болаларга озгина китобдан гапириб берсангиз бўлди, асаларидай ўша китобга ёпишади-қўяди. — Ҳа, бу замон талаби, ҳозирги кунда ўқувчи китоб танлайди. Чунки катта-кичикда ҳам вақт оз.

Ўктам ака билан суҳбатлашар эканман, неча йилдан бери китоб билан шуғулланасиз, — деб сўрайман. У кулиб, эсимни танибманки, китоб ичидаман. Отам раҳматли Ўрмонбек Умурзоқов 1947 йилдан умрининг охиригача туман кутубхонасида мудир бўлиб ишлаган. Онам Саодат ая умрлари узоқ бўлсин ҳозир 74 ёшдалар, улар ҳам адабиётга қизиққан шоиртабиат аёл. Мен мактабни тугаллаб, Пахтачилик техникумига ўқишга кирдим, уни тамомлаб,пахта заводига ишга кирдим. Бироқ, у ерда узоқ ишлай олмадим. Мени ота касби китобчилик ўзига тортиб кетди. Мен вилоят «Китобсавдоси»да аввал сотувчи, омбор мудири, товаршунос, дўкон мудири бўлиб ишлаб келдим. Бундан ҳеч ачинмайман, ахир одамларга, халқимизга зиё тарқатиш бу энг савобли ва хайрли ишдир.

Ҳозирги кунда Ўктам ҳожи Умурзоқов Андижон шаҳрида вилоят товар ишлаб чиқариш ва тадбиркорлар палатаси қошида очилган «Хизмат» бўлимини бошқармоқда. Бу бўлимнинг асосий вазифаси, — дейди, Ўктам ака, — тадбиркор, фермер, ҳунармандларни, ҳукуматимиз томонидан чоп этилган адабиётлар билан таъминлаш. Бундан ташқари вилоятда қоғоз ва қоғоз маҳсулотларидан бўлган товарларга талабни ўрганиб, халққа етказиб бериш, — дейди.

Ўктам ака яна «Ёш куч» вилоят тарғибот марказининг директори ҳам. У «Ёш куч» ва «Синфдош» журналларининг бутун вилоятдаги тарғибот қилиш ишларини ҳам сидқидилдан бажармоқда.

— Ҳа, Ўктам ака ҳозирги кунда бутун Андижон вилоятига зиё тарқатиб, зиёкор — деган ном олиб меҳнат қилаётир. Соғ-саломат бўлинг, — дейман унинг шижоатига, кўзларидан нур таралиб турган чеҳрасига боқиб.

Турсун АЛИ,
«Чўлпон» нашриёти ходими

Океан сувлари 6 метрга кўтарилган

Барчамиз биламиз, кейинги пайтларда сайёрамиз иқлими ўзгариб, «иссиқхона»га айланиб бораётганини. Бу ҳақда нафақат дунё оммавий ахборот воситаларида, балки бизда ҳам батафсил ёзилди. Қолаверса, бугун яна ёзмоқдамиз. Қисқаси, об-ҳаво исиб бораётганига, натижада сайёрамизни сув босиши тўғрисидаги фаразларга ишонмаган олимлар ўтган йили ёз пайтидаги иқлимдан «довдираб» қолишди. Гап шундаки, улар шу пайтгача атмосферанинг юқори қатламида иқлим совиб бораётгани ҳақидаги сунъий йўлдошлар узатган манбаларга таянишган. Аслида ҳам шундайми?

Иқлимшунос олим Жеймс Хансен НАСА мутахассислари билан ҳамкорликда бунинг сабабини аниқлади. Маълум бўлишича, иқлим тўғрисидаги фактларнинг «бузиб» кўрсатилиши бунга сабаб бўлмоқда экан. Хусусан, 1980 йилда Америка томонидан учирилган NOAA-06 сунъий йўлдоши ўзининг 19 йиллик фаолияти давомида белгиланган жойдан 16 километргача пастлаб кетган экан.

Олимлар иқлимни қайтадан аниқ ўлчаб-текшириб кўришди. Натижа — ваҳима. Кейинги 10 йил ичида тропосфера иқлими 0,12 даражага кўтарилган. Бу ахборотлар ўша заҳоти дунёнинг «Нэйчур» ва ««Сайенс» сингари йирик илмий журналларида чоп этилди.

Ўтган йил июль ойида кузатилган дунё иқлими Американинг иқлимшунослик миллий маркази тарихида энг юқори иқлим кўрсаткичи бўлиб қолди, яъни марказ бундай иссиқ об-ҳавони ҳали ўз тарихида кузатмаган эди. Бу иссиққа ҳатто иссиқ ўлкалар — Ўрта Шарқ ва Миср аҳолиси ҳам кўникишолмади. Ва оқибатда юзлаб одамлар иссиққа бардоши етмай ўлиб кетди.

АҚШ, Франция, Жанубий Америка ва Африкада ҳам об-ҳавонинг одатдан ташқари иссиб кетгани кузатилди. Айниқса, энг қайғули вазият Антарктидада зикр этилди. Унинг марказий ҳудудларида улкан музликларнинг эриши қайд қилинди. Натижада дунё океанларининг суви 6 метрга кўтарилди. Буларку ўтган йилги кузатишлар. Бу йилги иқлим қандай, буни фақат янги кузатишлар натижаси кўрсатади.

Германияда ғалла шундай йиғиштириб олинади

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 1999 йилнинг май ойида Тўлаганов Хожи Абдулла номига берилган № 509479 рақамли тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Энди японлар ҳам европаликлардан қолишмайди

Японлар деганда барчамиз кичик бўйли одамларни тушунамиз. Нафақат японлар, балки хитойлар, корейслар, вьетнамлар ҳам тасаввуримизга шундай мухрланиб қолишган. Бироқ эндиликда японлар европаликлар билан бўйлашиб бормоқда, яъни кейинги кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги япон ўсмирлари 1977 йилдаги ўсмирларга қараганда анча бўйдор, яъни 9 сантиметрга баланд, шу билан бирга ўша пайтдаги тенгқурларидан 7 килограммга оғирлашган ҳам. Мутахассисларнинг айтишича, бунга сабаб улар емишининг таркиби ўзгарганида, яъни сут ва сутли маҳсулотлар ҳамда маккажўҳоридан тайёрланган турли таомларни зўр иштаҳа билан тановул қилишаётгани экан.

«Қурама» ўйланмаси

Бўйига: 1. Лоҳас, бўшашишлик. 2. Ер-сув, ҳовлижой... 3. Илоҳий эътиқод. 4. Ўзгалар боласини тарбияловчи. 5. Ўзаро муросага келишолмай сўзлашмаслик. 8. Кичкина нарсани катта кўрсатиш воситаси. 10. Йиртқич тунги қуш. 14. Шарқона кашандалик воситаси. 16. Яхши иш, эзгулик. 17. Ёввойи ўт. 18. Таажжуб, қизиқ... 19. Хабар, дарак берувчи. 24. Мотам маросими. 26. Қадим-қадим ёки... 28. Тўқай ўсимлиги. 29. Озгина вақт. 30. Атиргул суви. 32. Ёрилиш, чирсиллаш... 33. Бирор мақсад, ният билан қилинган тадбир. 35. Кўрқитиш, пўписа қилиш.

Энига: 6. Суяксиз гўшт. 7. Маҳсулотнинг баҳоси. 9. Болаларнинг тепиб ўйнайдиган овунчоғи. 11. Бетнинг пастки жағ қисми. 12. Эслаш, хотирлаш, сўзлаш, тилга олиш. 14. Суқланиб қараш-дан орттирилган дард. 15. Савдо дўконлари қатори. 18. Эпчил, чаққон, чапдаст... 20. Буюмнинг хили, тури. 21. Бирор нарсанинг сиртқи томони. 22. Хўжайин, соҳиб... 23. Пафос, завқ, кайфият. 25. Дарс бериш, ўргатиш... 27. Иззат, нафс, ғурур... 29. Зўрға, зўрба-зўр... 31. Кассада ва киссадаги маблағ. 33. Нафис матолардан бири. 34. Тетик, шаҳдам. 36. Ғалла ўсимлиги. 37. Қария... деб фотиҳа тортди.

Тузувчи Мавлуда ИСМОИЛОВА

«Бинокор» ўйланмаси жавоблари

Муаммонома: очқич. 1. Бетон. 2. Дуб. 3. Гилкор. 4. Барг. 5. Меъёр. 6. Элак.

Ибратли сўзлар:
Меъмор бино бунёд этар,
Номи мангуликка кетар.

Ўйланма. энига: 2. Скрепер. 7. Арра. 8. Арча. 9. Айвон. 11. Кошин. 12. Лок. 16. Муродов. 18. Дрель. 19. Омбур. 20. Жомакор. 24. Ром. 26. Зар. 28. Мих. 31. Парафин. 37. Архитектура.

Бўйига: 1. Расад. 2. Сарой. 3. Рах. 4. Пол. 5. Равоқ. 6. Панно. 10. Болахона. 13. Бульдозер. 14. Бобохонов. 15. Радиатор. 17. Дуродгор. 21. Қум. 22. Газ. 23. Обида. 25. Остона. 27. Андава. 29. Хари. 30. Лифт.



Дилоромхоним

Ўзбекистонда ушбу маъноли ва жозибадор исм билан аталувчи аёллар оз эмас. Улар орасида ўқитувчилар, шифокорлар, шоиралар, журналистлар, олимлар, муҳандислар, хизматчилар, уй бекалари ва бошқа касб эгалари кўп. Одатда ота-оналар қиз туғилганда дилларга ором ва яхши кайфият берсинлар деб уларга Дилором исмини қўядилар. Ҳаётда мана шундай эзгу ниятни оқлаб жамоа аҳлининг ҳурматига сазовор бўлган Дилоромлар бор. Улар ўзларининг меҳнатсеварлиги, ширинсўзлиги, пазандалиги, саранжомлиги, болажонлиги, поклиги ва бошқа олий фазилатлари билан ажралиб туради. Ҳатто одамлар қизимиз фалончи Дилоромга ўхшаб бахтли-саодатли бўлсин дейишиб фотиҳа қиладилар.

Олий фазилатли аёллар, зиёлилар, хусусан олимлар орасида ҳам учрайди. Масалан, тарих фанлари доктори Дилором Алимова шулар жумласидандир. Бу хушбичим, хушмуомалали ва билимдон аёлни Ўзбекистон Фанлар академиясида Дилоромхоним деб ҳурмат ва иззат ила тилга олишади. У бундан салкам 30 йил илгари Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтида иш фаолиятини бошлаган эди. У ўша вақтдан то шу кунгача институтда узлуксиз хизмат қилмоқда. Шуни айтадиларда, дарахт бир ерда кўкаради деб. Зеро, Дилоромхоним оддий илмий ходимликдан бўлим бошлиғи, сўнгра тарих институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари лавозимига сазовор бўлди. Унинг бутун фаолияти каминанинг кўз ўнгида кечди. Дилоромхоним билан илк бор учрашганимдаёқ одобли, андишали, тиришқоқ ва илм шайдоси сифатида катта таассурот қолдирганлиги ҳамон эсимда.

Тарих институтида Ўзбекистон тарихининг тарихшунослик бўлими очилган эди. Тарихшунослик ёки тарихнависликнинг маъноси нашр этилган асарларни изоҳлаш ва баҳолашдан иборатдир. Бошқачароқ айтганда тарихнависликни оқни — оққа ва қорани — қорага ажратувчи тарих фанининг ҳаками дейилса хато бўлмайди. Кўринib турибдики тарихнавислик касби ақл-идрок ва билимни тақозо этади. У ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли ишдир. Бироқ Дилоромхоним чўчимай тарихнавислик бўйича илмий ишларни бошлаб юборди. Вақт ўтиши билан у ўз касбини такомиллаштириб, ютуқларни қўлга киритиб борди. Чунончи, 1980 йилда тарих фанлари номзоди унвонини олди. Кейин ҳам илмий изланишни синчковлик билан давом эттириб 1991 йилда, «Ўрта Осиёда хотин-қизлар масаласи тарихшунослиги» (1920-1980) мавзуси бўйича докторлик диссертациясини ёқлади. Шу тариқа Дилоромхоним тарихшунослик (историография) соҳаси бўйича ўзбеклардан биринчи бўлиб фан номзоди ва доктори унвонларига сазовор бўлди. Уни миллий тарихнависликнинг асосчиси дейилса асло муболаға бўлмайди.

Дилоромхоним институтдаги «Тарихнавислик бўлими»нинг бошлиғи сифатида катта ишларни бажармоқда. Авваламбор унинг бевосита раҳбарлигида бир нечта фан номзоди ва докторлари тайёрланди. Эндиликда Дилоромхоним моҳир устоз ва мураббий сифатида ҳам ҳурмат, ҳам обрў қозонди. Унинг фаолиятида муҳим масалалар ўз ифодасини топган, хусусан тарихий асарларда хотин-қизларнинг фаолиятини ёритиш даражаси, жадидчилик ҳаракати, маданият тарихи, манбашунослик ва илмий библиографик ахборотга тегишли масалаларни кўрсатиш мумкин. Унинг таҳрири ва раҳбарлиги остида 1994 йилда «XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллигида Ўзбекистонда тарих фани» номли икки жилдлик асар чоп этилди. Шунингдек, унинг бошчилигида 1997 йилда «Файзулла Хўжаев», «Туркистон мустақиллиги учун курашнинг ўқилмаган саҳифалари» сингари илмий тўпламлар нашр қилинди. У 1998 йилда чоп этилган «Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг тарихий қарашлари» номли китобнинг муаллифидир. Айни пайтда унинг раҳбарлиги остида Фитратнинг «Оила» асари чоп этилди. Бу йил унинг ташаббуси ва иштирокида «Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш» номли китобнинг чиқиши муҳим воқеа ҳисобланади. Бугунги кунда олима 70 дан ортиқ асар ва мақолаларнинг муаллифидир.

1999 йил — Аёллар йили

Дилоромхоним Россия ФА тарих институти, Қозоғистон ФА тарих ва этнография институти, Германиядаги «Шарқ ҳамда Марказий Осиё тарихи ва маданиятини ўрганиш» илмий марказлари билан ҳамкорликда иш юритмоқда. АҚШнинг Витман университети билан ҳам алоқа ўрнатган. Шуниси диққатга сазоворки у Ўзбекистон тарихини жаҳон даврасида ҳам тарғибот қилмоқда. Зеро, у ЮНЕСКО томонидан лойиҳалаштирилган Марказий Осиё цивилизацияси тарихи бўйича 6 жилдлик асар яратиш учун ташкил қилинган халқаро илмий комитетнинг аъзосидир. Дилоромхоним Туркия, Хитой, Германия, Малайзия ва Югославияда ўтказилган халқаро илмий конференцияларда қатнашди. Ҳозирда олима ЎзФА тарих институтининг докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича ихтисослашган кенгаш раисидир. Бу кенгаш юқори малакали илмий ходимларни тайёрлашда самарали ишламоқда.

Ҳозирда унинг шахсан ўзи 5 докторлик ва 10 номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилмоқда.

Дилоромхоним илмий ишлар билан бир қаторда жамоа ишларини ҳам фидойилик билан адо этади. Республика хотин-қизлар қўмитаси раёсатини ва «Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик комиссияси»нинг аъзосидир.

У оммавий ахборот воситаларида тарих фанини халқ оммасига етказишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Дилоромхоним мустақиллик туфайли озод этилган аёллардан биридир. У эркин яшаш ва ишлаш гаштини сураётган бахтлиларнинг бахтлисидир. Чунки буюк давлат арбоби ва халқимизнинг халоскори, юртбошимиз Ислом Каримовнинг замондоши бўлиб ҳаёт кечириш олий неъматдир.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
профессор

Фарида АКБАРОВА:

«Орзуим бизда юқумли касалликлар шифохонасига эҳтиёж бўлмаса»

Бугун юртимизда айни ёз фасли, пишиқчилик. Болалар турли меваларни ювмасдан истеъмол қилиши натижасида ўткир юқумли ичак касалликлари билан оғриш ҳоллари юз бермоқда. Шу муносабат билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси иккинчи шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси бош врачи Фарида Акбарова билан суҳбатлашдик.

— *Фарида Шораҳимовна, Сиз бошчилик қилаётган шифохона 1998 йил январь ойида ишга туширилган экан. Бош шифокор сифатида бу ердаги шароитлар, қулайликлар, беморларга кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳақида гапириб берсангиз?*

— Шифохонамиз юртимизда соғлом авлод учун олиб борилаётган улкан ишларга ҳамоҳанг фаолият кўрсатмоқда. Маълумки, юқумли касалликлар муаммоси ҳали ҳам бизда долзарб ҳисобланади. Айниқса ўткир юқумли ичак касалликлари ёз фаслида кўпаяди. Чунки иқлим шароитимиз ушбу касалликнинг кўпайишига имкон туғдиради. Шифохонамизда асосан болалар даволанишади. Бугунги кунда оналар ва болалар саломатлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Биз болалар билан бир қаторда уларнинг оналарини ҳам соғломлаштирамиз. Беморлар жойлаштирилган хоналар шинам, кенг, ёруғ ва барча қулайликлар мавжуд. Беморларга малакали мутахассислар хизмат кўрсатишади. Масалан, шифохонамизда 23 та врач бўлса, шуларнинг 18 нафари олий тоифали шифокорлардир. Учта шифокоримиз эса биринчи тоифали ҳисобланишади.

Шифохонамиз Вирусология илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бу эса ўз-ўзидан ташхис ва даволаш ишларининг самарасини оширади. Профессорлар, доцентлар илмий маслаҳатчи сифатида даволаш ишларига жалб этилади. Айниқса институт директори профессор Шабат Хўжаев ўз касбининг фидойиси сифатида ёрдамларини биздан аямайдилар.

Шифохонамизда вирусли гепатит ва ўткир юқумли ичак касаллиги билан оғриган беморлар даволанадилар. Бу ерда даволанаётган беморларга ташхис қўйиш учун шифохонадаги мавжуд аппаратуралардан ташқари ФАВ.ИТИ замонавий аппаратуралари ҳам кенг қўлланилади. Улардан фойдаланиш методикаси яратилган. Айниқса, бу ишларда бизга Вирусология институтининг клиник-лабораторияси мутахассислари яқиндан ёрдам беришади.

— *Фарида опа, бугун биз болаларимизни ўткир юқумли ичак касалликларидан асраш учун нималарга эътибор беришимиз керак?*

— Аввало касалликнинг олдини олиш чораларини кўриш лозим. Чунки бу касаллик турли асоратлар билан оғир кечади. Менинг барча ота-оналардан илтимосим шуки, болада бирон-бир ўзгариш пайдо бўлганда, яъни унинг ичи кетса, қайт қилса, ҳарорати кўтарилса ўзларича даво чораларини кўрмасдан дарҳол шифокорга мурожаат қилсинлар. Чунки юқоридаги ҳолатлар юз берганда, бола организми учун зарур бўлган сув, кўпгина минерал элементлар, тузлар ташқарига чиқиб кетади. Натижада бола ҳолсизланади. Бу эса саломатлик учун хавфлидир. Бу касалликнинг яна бир ёмон томони шундаки, ташқи муҳитнинг ифлосланиши натижасида касаллик бошқаларга ҳам юқиши мумкин. Касаллик оғиз орқали юқади, унинг олдини олиш жуда осон. Бунинг учун озодалик, болага эътибор зарур. Очиқ сув ҳавзаларида болалар чўмилишига йўл қўймаслик керак. Бугун айни пишиқчилик. Меваларни қайнатилган сувда ювиб ейишга эътибор бериш зарур. Мен кўп пайтларда кузатаман. Шаҳримиздан оқиб ўтаётган ариқлар бўйига кўпчилигимиз ахлатлар ташлаймиз. Бу эса сув ифлосланишига олиб келади. Мана шу сувда чўмилган фарзандларимиз эса турли хил касалликларга чалинмоқда. Менинг назаримда бу жиноят. Энг қизиғи, ўз-ўзимизга нисбатан, ўз фарзандимизга нисбатан энг оғир гуноҳдир. Мен барча ҳамшаҳарларимизни шаҳар тозалигини сақлашга чақираман.

Мен орзу қиламан: қачонлардир бизнинг мамлакатимизда юқумли касалликлар шифохоналари бўлмаслиги керак. Бу эса сизу бизнинг меҳнатимиз, эътиборимиз туфайлигина юз беради.

Бахтиёр ҲАМИДОВ,
Фарруҳ ҲАМРОЕВ
суҳбатлашди

Суратларда: 1. Касалхона бош врачи Фарида Акбарова. 2. Даволовчи шифокор Малика Асилова ва ҳамшира Зиёда Мирзаева. 3. Илмий ходимлар Холида Мирқосимова ва Людмила Калугина.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

Дорини қандай ичиш керак?

Авваламбор инсоннинг дори ичишга эҳтиёжи бўлмасин. Лекин тирик жон-да — бир кун ундоқ, бир кун бундоқ...

Кўпчилигимиз қайси дорини қандай ва қачон ичиш тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмаймиз, сал оғриб қолсак бўлди, дарҳол таблетка оламиз-да, чой ё хом сув билан лаққа ютамиз-қўямиз.

Аслида унинг ҳам қонун-қоидаси бор, шунга амал қилсаккина таъсир кучи юқори даражада бўлади.

Қисқаси, истеъмолни аспириндан бошлаймиз. У ошқозон шиллиқ пардасига қаттиқ таъсир кўрсатади. Шунинг учун уни ҳар доим овқатдан сўнг ичиш керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, уни истеъмол қилишдан аввал дори ёрлиғидаги эслатмага амал қилган ҳолда, кўрсатилган миқдордаги сувда эритиб, суюлтирилган ҳолга келтириш даркор. Оддий дориларни эса майдалаб чайнаб сут ёки минерал сув билан ютган маъқул. Ана ўшанда у қонга тез аралашади.

Бир стакан боржоми ёки бошқа бирор бир минерал сув этазол, норсульфазол, сульгин, сульфадемитоксин сингари дориларни қабул қилишда сизга асқотади.

Сульфаниламид кўпинча буйрак фаолиятини мушкуллаштиради. Ишқорий ичимликларни кўпроқ истеъмол қилиш эса бундай кўнгилсизликлардан қутулишингизга ёрдам беради.

Антибиотикларни овқатланишдан ярим соат олдин сут билан эмас, балки фақат сув билан ичиш лозим. Сут билан ичилмасин дейишимизга сабаб сутдаги кальций антибиотик билан (айниқса, тетрациклин) реакцияга киришади ва қийин эрийдиган бирикма ҳосил қилади.

Шуни эслаб қолингки, дори-дармон қабул қилаётган пайтда ҳеч қачон спиртли ичимлик ичманг. Агар инсулин ёки асабни тинчлантирувчи ё қон босимини меъёрга солувчи дори-дармонлардан сўнг спиртли ичимликни ҳам аралаш-қуралаш ичиб юборсангиз сизни кучли уйқу босади. Спиртли ичимликларни антибиотиклар қабул қилаётган пайт ичиш эса бош гангиши, кўнгил айниши ва бошга қон қуйилишидек кўнгилсизликларни келтириб чиқаради. Ҳароратни туширувчи дорилар билан аралаштириб юбориш эса ошқозон шиллиқ пардасининг емирилишига олиб келади. Алкоголли ичимликлар айниқса, қандли диабет билан оғриётган беморлар учун ўта хавфлидир, яъни у қондаги қанд миқдорини аввал кўтариб, сўнг умуман туширib юборади.

Овқат хазм бўлишига ёрдам берувчи фестал, мезим-форте ва бошқа ферментли воситаларни овқат пайти қабул қилиш энг мақбул усул ҳисобланади.

Агар вазият аспирин ичишни тақозо этса, уни ичишдан бир соат аввал ва ичгач бир соатгача аччиқ ва цитрусли озиқларни истеъмол қилишдан тийилиб туриш лозим. Акс ҳолда ошқозон яллиғланишини орттириб олиш ҳеч гапмас.

Олимларнинг яқинда олиб борган тадқиқотларининг натижаси шуни кўрсатдики, ҳирсий контрацептивларни таркибида кофеин бўлган озиқ-овқатлар билан аралаш ичмаслик керак экан. Чунки контрацептивлар организмда кофеиннинг парчаланишини секинлаштириб, инсон фаолиятида сусткашликни ва уйқусизликни келтириб чиқаради.

Бугунги иссиқ кунларда, аниқроғи, қуёш нурида дори-дармон қабул қилишда эҳтиёткорлик талаб этилади. Айрим дорилар организмнинг қуёш нурига сезгирлигини ошириб, тери пигментациясини ўзгартириб юборади. Шунинг учун иложи борича қуёш иссиғида антибиотиклар, асабни тинчлантирувчи ва гормонал дори-дармонларни, аналгетик ва антисептик (яранинг газак олишидан сақловчи кимёвий воситалар) препаратларни қабул қилишдан тийилиб туриш лозим. Агар дори-дармонга эҳтиёж сезилса, уни соя-салқинда ичиш керак.

Зулхумор СУЛТОНОВА
тайёрлади

❖ «Гиннес»дан кўчирмалар

* * *

Канадалик татуировкачи-рассом Вивен Симмонс ўзининг танасига 4831 та татуировка чизиб рекорд ўрнатган. Англиялик Билл Скъюз эса аёли Расти Скъюз билан 12 йиллик турмушида хотини танасининг 85 фоиз қисмига турли рангдаги татуировкалар туширган. Дарвоқе, Англия қироли Горг V ҳам ёшлик чоғида, яъни ҳарбий денгизчи бўлиб юрган пайтида танасига жуда кўп татуировкалар чизиб олган. Лекин бу чизмаларни умрининг охиригача ўчиролмаган.

❖ Кулги — умр зийнати

Қани айт-чи?

Ўқитувчи ўқувчидан сўради:

— Таркибида сут бор бешта нарсани айт-чи?

— Сарёғ, пишлоқ ва учта сигир.

«Кечикдинглар»

Аёллар ҳаммомига ўт кетди. Тезда ўт ўчирувчилар етиб келишди. Йўл четида турган бир киши кулиб уларга деди:

— Кечикдинглар.

— Қанақасига, ахир ҳаммом ҳалиям ёнаётгану!

— Тўғри, ёнишга ёнаяпти, аммо ичидаги ялангоч аёллар қочиб кетиб бўлишди.

«Яхшилигингизни унутмайман»

Ходим бошлиқнинг олдига хотини билан кирди.

— Бугун ишдан барвақтроқ кетишга рухсат берсангиз, хотиним дўкондан у-бу нарса олиб беришимни сўраётувди.

— Афсус, рухсат беролмайман.

— Раҳмат, бу яхшилигингизни ҳеч унутмайман.

«Бобом ботир бўлган»

— Менинг бобом жудаям ботир бўлган. Ўтган йили бизни ҳайвонот боғига олиб борганда учта йўлбарси бор қафасга кириб олган, — дея мақтанди набира ўртоғига.

— Йўғ-е, у ердан чиққач, ҳамма уни табриклаган бўлса керак-а?

— Сенга ким айтди, бобом у ердан чиққан, деб.

Дунёда энг ёш қотил ҳозирча австралиялик 2 ёшли бола бўлиб турибди. У 1991 йил август ойида машинанинг орқа ўриндиғида кетаётиб, кабинадаги тўпончани кўриб қолади ва ўйнаб ўзи билмаган ҳолда тепкини босиб юборади. Ўқ рулни бошқариб кетаётган 27 ёшли отаси Патрик Эллистнинг орқа миясига тегади ва шу заҳоти ўлади. Бу қотилликка сабабкор отанинг ўзи эди, негаки, тўпончани ўқланган ҳолда кўринарли жойга қўйиб қўйгани ўзининг бошига етди.

* * *

Тарвуз уруғини узоққа тупуриш бўйича ўтган йилги мусобақада францияли Филипп Каллье биринчиликни олган, яъни 6,93 метр узоқликка тупурган. Бироқ бу рекорд натижа эмас. 10,29 метрлик рекорд кўрсаткичдан ҳали ҳеч ким ўзиб кетолмаяпти.

* * *

Ҳиндистонлик Шридхар Чилал чап қўлидаги тирноқларини 270 сантиметргача ўстирган. Унинг ҳамюрти Ромеш Шарма эса 13 йил мобайнида тирноқларини 64,7 сантиметргача ўстиролган.

Табриknoma

Мозий илмининг улкан билимдони ҳурматли устозимиз Бўрибой Аҳмедович!

Сизни таваллудингизнинг қутлуғ 75 йиллиги муносабати билан чин дилдан табриклаймиз.

Миллий тарихимизни, қадриятларимизни жаҳонга танитишда олиб бораётган эзгу ва шарафли илмий ижодингиз хирмони янада залворли, қут-баракали бўлишига тилакдошмиз. Кўп йиллик ҳалол меҳнатларингизни ва серқирра ижодингизни нафақат илм аҳли, балки бутун халқимиз ва миллатимиз севиб, ардоқлаб келмоқда. Етиштирган кўплаб шогирдларингиз юртимиз илм-фани ва маънавияти ривожланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадиган давомчилар бўлмоқдалар.

Ватанимиз ва миллатимиз маънавий-маърифий оламига бундан кейин ҳам улкан ютуқлар билан иштирок этишингизни чин дилимиздан изҳор қилганимиз ҳолда, Сизга узоқ умр ато қилинишини сўраймиз. Сизга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик ҳамда улкан ижодий ютуқлар ҳамиша ҳамроҳ бўлсин.

Сизни ҳазрати соҳибқирон Амир Темурнинг муқаддас руҳлари доимо қўллаб-қувватласин.

Халқаро Амир Темур хайрия жамғарма жамоаси

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Республика Кўчмас мулк биржаси Сиз азизларга 1999 йил 18,31 август кунлари соат 11.00 да республика Биржалар марказида ўтказиладиган навбатдаги

КИМОШДИ

савдосига қўйилган қуйидаги автомобилларнинг аукцион савдодан олинганлигини маълум қилади:

1. Волга ГАЗ-31029 русумли, давлат рақами 10 АН 641 бўлган, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 1029,0 минг сўм.
2. «ДАМАС» русумли, давлат рақами 10 АЕ 661 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 712,0 минг сўм.
3. «ТИКО» русумли, давлат рақами 10 АЕ 936 бўлган, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 822,0 минг сўм.
4. Волга ГАЗ-2401 русумли, давлат рақами 10 АЕ 398 бўлган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 184,0 минг сўм.
5. Волга ГАЗ-24 русумли, давлат рақами 10 АЕ 844 бўлган, 1983 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 220,0 минг сўм.
6. «Волга» ГАЗ-2401 русумли, давлат рақами 11-86 ТНА бўлган, 1971 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 168,0 минг сўм.
7. ГАЗ-69 русумли, давлат рақами 25-08 ТНЗ бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 79,0 минг сўм.
8. УАЗ-469 русумли, давлат рақами 87-92 ТНЗ бўлган, 1974 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 70,0 минг сўм.
9. УАЗ-469 русумли, давлат рақами 84-81 ТНЖ бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 150,0 минг сўм.
10. УАЗ-469 русумли, давлат рақами 74-44 ТНЖ бўлган, 1973 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 140,0 минг сўм.
11. УАЗ-469 русумли, давлат рақами 77-96 ТНП бўлган, 1978 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 170,0 минг сўм.
12. УАЗ-469 русумли, давлат рақами 40-44 ТНЖ бўлган, 1980 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 218,0 минг сўм.
13. УАЗ-469 русумли, давлат рақами 32-71 ТНБ бўлган, 1972 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 90,0 минг сўм.
14. УАЗ-31512 русумли, давлат рақами 32-73 ТНБ бўлган, 1986 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 247,0 минг сўм.
15. УАЗ-31512 русумли, давлат рақами 32-70 ТНБ бўлган, 1977 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 123,0 минг сўм.
16. ЛУАЗ-969 русумли, давлат рақами 32-66 ТНБ бўлган, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.
Бошланғич баҳоси — 75,0 минг сўм.

Ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

МАНЗИЛИМИЗ:

Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 10-уй. Ўзбекистон Биржалар маркази биноси, 3-қават, 10-хона. Телефонлар: 136-15-29, 136-28-75. Ички: 153, 162. Факс: 136 06 17

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 18.117 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0624

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди 22.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80, 133-38-55
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,